

NIZOMIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT PEDOGOGIKA
UNIVERSITETI
O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI FAKULTETI

“Himoyaga tavsiya etilsin ”

Fakultet dekani

_____ I. M. Azimov
2013- yil “___”- _____

**5141100- “O‘zbek tili va adabiyoti” bakalavr ta’lim yo‘nalishi IV kurs
406-guruh talabasi Botanov Ravshanning “Akademik litseyda gapning ikkinchi
darajali bo‘laklarini o‘rganishda ta’lim texnologiyalaridan foydalanish”
mavzusida yozilgan**

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Ilmiy rahbar: _____ O. Oxunjonova
“O‘zbek tili va adabiyoti o‘qitish
metodikasi” kafedrasi dotsenti., ped.f.n.

Taqrizchilar:

_____ O. Ametova
“O‘zbek tili va adabiyoti o‘qitish
metodikasi” kafedrasi katta oqtuvchisi.

_____ N.Yo‘ldoshyeva
TVPXQTMOI dotsenti., ped.f.n.

“Himoyaga tavsiya etilsin”
“O‘zbek tili va adabiyoti o‘qitish
metodikasi” kafedrasi mudiri
ped.f.d., prof . _____ R.Niyozmetova
2013- yil “___”- _____

TOSHKENT-2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. АКАДЕМИК ЛИЦЕЙДА СИНТАКСИСНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ	
1.1. Таълим босқичларида синтаксисни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	10
1.2. Академик лицей ўқув дастури ва дарсликларида гап бўлакларини ўрганишнинг ифодаси	12
II БОБ. АКАДЕМИК ЛИЦЕЙДА ГАПНИНГ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАКЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ЎРГАТИШ УСУЛЛАРИ	
2.1. Тўлдирувчи ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда таълим технологияларидан фойдаланиш.....	27
2.2. Ҳолни замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб ўрганиш.....	39
2.3. Аниқловчиларни ўрганишда самарадор таълим технологияларидан фойдаланиш усуллари.....	47
III БОБ. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИНГ АМАЛИЁТГА ТАДБИҚ ЭТИЛИШИ .	
3.1. Таълим босқичларида гапнинг иккинчи даражали бўлакларини ўрганишнинг мавжуд ҳолати.....	54
3.2. Мавзуга тегишли намунавий дарс ишланмаси.....	56
УМУМИЙ ХУЛОСА	74
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.	59
ИЛОВА	61

КИРИШ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда “Таълим тўғрисида”ги қонунга мувофиқ таълим босқичлари янги тизимга ўтди. Жумладан, умумтаълим мактабларидан сўнг, уч йиллик академик лицейлар ҳамда касб-хунар коллежлари жорий қилинди. Бу ёшларнинг фан асосларини жиддийроқ ва пухтароқ эгаллашлари учун муҳим омилдир. Айниқса, академик лицейлар бу борада алоҳида аҳамият касб этади. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да бу борада шундай дейилади: “Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди”.

Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (аниқ, табиий, ижтимоий-гуманитар, хорижий филология) савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-хунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу кўникмаларни муайян Олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-хунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайди.

Ўз фикрини равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни замон талаби даражасидаги мутахассис деб бўлмайди. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда академик лицейларда ҳозирги ўзбек адабий тили таълимига алоҳида эътибор берилади.

Зеро, “Мустақиллик қадим ва қаноатли, устидан тегирмон тоши юргизилганда ҳам бардоши букилмаган, тазйиқлар хазон фаслига элтганда ҳам илдизидан узилмаган она тилимизнинг интиқ баҳорига ибтидо бўлди. Халқ тушунчасининг тойилмас тиргаги, унинг тафаккур ва тахайюл оламининг

устувор устуни она тилидир, чунки шу тил, аввало, оломон шаклидаги одамларни яхлит кавм ўлароқ бирлаштиради, бу кавмнинг дунёни билиш, англаш тарзига мунтазам шамойил беради, шу тариқа уни тамаддун отлиғ буюк неъматнинг олий аршига олиб чиқади¹.

Миллий руҳни шакллантирадиган, мунтазам мустаҳкамлайдиган, унинг мунтазам авайлаб-асралишига имкон берадиган энг одил омил она тилидир. Тил халқ, миллат руҳининг бетакрор ва ҳеч бир замон хира тортмас кўзгусидир. Ҳар бир тилда шу тил эгаси бўлган миллатнинг саъжияси, руҳияти акс этади. Шунинг учун ҳам боланинг тили она тили сифатида чиқиб, она тили сифатида камол топгандагина унинг шуурида том маънодаги миллий руҳ барқарор бўлади”². Шу маънода, инсон шахсининг камол топишида, тафаккурининг ривожланишида, тафаккур маҳсулини нутқ воситасида ифодалаш салоҳиятини эгаллашида асосий восита бўлмиш она тили таълими етакчи ўқув фанларидан бири саналади. Зотан, она тили миллат тафаккурини шакллантиради, ривожлантиради, такомиллаштириб боради ва намоён эттиради. Президентимиз И.А.Каримов ҳам ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида она тилимизнинг ана шу жиҳатига алоҳида урғу берган: “Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир”³. Шу боис она тили таълими самарадорлигини ошириш давлат сиёсатига айланди. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг жорий этилиши ҳам таълим соҳасида туб бурилишлар ясади. Мазкур ҳужжатлар она тили ўқитувчиларининг зиммасига масъулиятли вазифалар юклади. Чунончи, она тили дарсларида ўтилаётган мавзулар бўйича ўқувчиларга бериладиган билим, ҳосил қилинадиган кўникма ва малакаларнинг “Она тили” ДТСи талаблари даражасида эгалланишини таъминлаш, ўқувчилар

¹Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Т: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012, 3- б.

²Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Т: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012, 11- б.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 83.

нутқини ўзбек тилининг бой синтактик қурилмалари билан бойитиш, нутқ маданиятини шакллантириш ана шундай вазифалар сирасига киради. Мамлакатимизда тил ва таълим соҳасида рўй бераётган бу каби янгидан янги ўзгаришлар она тили ва адабиёт ўқитувчилари зиммасидаги масъулиятни яна бир қадар залворли қилди. Бу ҳол, айниқса, академик лицей таълим босқичида янада долзарб аҳамиятга кўтарилди.

Фан ва техниканинг жадал ривожини таълимнинг турли соҳалари ва катламларига ҳам шиддат билан кириб келиб, унинг моҳиятини, андозаларини янгилашга, ўзгаритиришга муносиб замин яратмоқда. Дарс шакллари ва усуллариининг ранг-баранглашиши, инновацион педагогик технологияларнинг таълим соҳасига кенг жорий қилиниши ана шундай ўзгаришлар сирасидандир. Шу маънода, академик лицейларда ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигига асосланган, талабалар фаоллигини оширишга йўналтирилган турли шакл ва усулдаги таълим технологияларидан фойдаланиб, она тили таълими самарадорлигига эришиш, ўқувчи-талабаларнинг билим ва тафаккурини юксалтириш бугунги куннинг, ўзбек тили ўқитиш методикасининг энг муҳим муаммолари сирага киради. Айни хусусиятлар “Академик лицейда гапнинг иккинчи даражали бўлақларини ўрганишда таълим технологияларидан фойдаланиш” мавзусидаги битирув малакавий ишимизнинг долзарблигини белгиловчи муҳим омиллардир.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Таълим босқичларида ўзбек тили, хусусан, синтаксис ўқитишнинг шакл ва усуллари бир қадар кенг ўрганилган муаммолар сирасига киради. XX асрнинг 70–90-йилларида А.Пўлатов, Н.Шукруллаев, М.Асқарова, А.Ғуломов, Й.Абдуллаев, М.Омилхонова, О.Розиқов, А.Сайфуллаев, М.Абдураимова ва бошқа методист олимлар она тили ўқитиш соҳасига салмоқли ҳисса қўшишган. Уларнинг яратган тадқиқот ишлари, методик қўлланмалари, ва илмий мақолаларида, асосан, умумтаълим мактабларида “Синтаксис ва пунктуация” бўлимини, содда гап синтаксисини ўқитиш, қўшма гап синтаксисини ўқитишда ўқувчилар нутқининг ривожини юзасидан йўл-йўриқлар баён қилинган. Мазкур ишлардаги тавсиялар бугунги

кунда ҳам маълум даражада ўз қимматини йўқотгани йўқ. А.Пўлатовнинг “Мақтабда ҳолни ўрганиш” номли методик қўлланмасида⁴ эса ўзбек адабий тилида ҳолнинг ўзига хос хусусиятлари, мақтабда ҳол ва унинг маъно турларини ўрганиш усуллари атрофлича ёритилган.

Шунингдек, М.Омилхонованинг “Мақтабда содда гап синтаксисини ўргатиш”⁵, “Мақтабда она тили синтаксисини ўргатиш” номли методик қўлланмаларида⁶ назарий қонун-қоидаларни ўқувчилар онгига сингдириш, билимларни мустаҳкамлаш, шу жараёнда гапнинг интонацион хусусиятлари устида ишлаш, ёшларнинг тафаккурини ўстириш масалалари атрофлича баён этилган. Мазкур қўлланмаларда гапнинг иккинчи даражали бўлақларини ўргатиш методикаси ҳам анча кенг илмий-назарий тадқиқ қилинган. Аммо бу каби қўлланмаларда академик лицейларда гапнинг иккинчи даражали бўлақларини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари борасида маълумотлар учрамайди.

Чунки академик лицейлар таълим соҳасидаги янги ҳодиса бўлиб, бу борадаги илмий-педагогик муаммолар ўзининг муносиб ечими, мукамал тадқиқотлари ва ижрочисини кутиб турибди. Тўғри, олий таълим муассасалари филология факультетларининг “Ўзбек тили ўқитиш методикаси”, академик лицейларнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” фанлари учун яратилаётган дарслик ва қўлланмаларда мазкур муаммога бир қадар муносабат билдирилган. Бироқ, академик лицейда гапнинг иккинчи даражали бўлақларини таълим технологиялари асосида ўрганишнинг илмий-методик асослари монографик планда тадқиқ қилинган муҳим изланишлар мавжуд эмас.

Тадқиқот мақсади академик лицейлардаги “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслари жараёнида гапнинг иккинчи даражали бўлақларини замонавий таълим технологияларидан фойдаланиб ўрганишнинг илмий-методик хусусиятларини, назарий асосларини чуқур тадқиқ этишдан, унинг ўқувчилар билими ва тафаккурини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини ёритишдан иборат.

⁴Пўлатов А. Мақтабда ҳолни ўрганиш. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. –Т: “Ўқитувчи”, 1978.

⁵ Омилхонова М. Мақтабда содда гап синтаксисини ўргатиш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 140 б.;

⁶ Омилхонова М. Мақтабда она тили синтаксисини ўрганиш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. – 205 б.

Тадқиқот вазифалари. Айни мақсадни самарали амалга ошириш учун қуйидаги **вазифалар** белгиланди:

– таълим босқичларида синтаксис ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-методик асосларини қиёсий таҳлил қилиш;

– академик лицейда гап бўлақларини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

– ўқув дастури, дарслик ва қўлланмаларда гапнинг иккинчи даражали бўлақларини ўрганишга бўлган муносабатни таҳлил қилиш;

– ўқувчилардаги билим олишга алоқадор кўникма ва малакаларнинг шаклланишида гапнинг иккинчи даражали бўлақларига боғлиқ бўлган дастлабки ҳолатни белгилаш ҳамда унинг янги мазмунини аниқлаш;

– Гапнинг иккинчи даражали бўлақларини ўрганишда замонавий таълим технологияларининг самарадор усулларини аниқлаш;

– Синтаксис асосида ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини фаоллаштирадиган, уларнинг бу соҳалардаги кўникма ва малакаларининг ривожланиши ва такомиллашишига имкон берадиган илмий-методик тавсиялар тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объектини академик лицейлардаги “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарсларида гапнинг иккинчи даражали бўлақларини ўрганиш жараёни ташкил этади.

Тадқиқот предмети – академик лицейларда “Ҳозирги ўзбек адабий тили” ўқув фани негизида гапнинг иккинчи даражали бўлақларини замонавий таълим технологиялари асосида ўрганишнинг шакл ва усулларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг методологик асосини Тил ва таълим тўғрисида қабул қилинган қонунлар; Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури; Президент И.Каримовнинг маънавият, маърифат, таълим, тил ва адабиётга алоқадор фикр-муносабатлари акс этган бир қатор асарлари; шунингдек, А.Ғуломов, А.Пўлатов, М.Омилхонова, Т.Зиядова, Т.Юсупова, Ш.Юсупова, О.Охунжонова, Ҳ.Ахмедова каби методист олимлар; М.Асқарова,

Н.Маҳмудов, Ҳ.Неъматов, А.Нурмонов, Ё.Тожиев сингари бир қатор филолог олимларнинг мазкур муаммога оид тадқиқотлари ташкил қилади.

Тадқиқот методлари. Белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги **методлардан** фойдаланилди:

– она тили ўқитиш жараёнини **кузатиш**; лингвистик ҳамда методик адабиётларни ўрганиш асосида муаммони назарий жиҳатдан **таҳлил қилиш**; **анкеталаштириш**, **тажриба-синов** ишларини ташкил этиш, **умумлаштириш**.

Тадқиқотнинг илмий-методик янгилиги. Мазкур Битирув малакавий иши орқали ўзбек тили ўқитиш методикасида илк бор: – таълим босқичларида синтаксик ўқитишнинг илмий-методик асослари қиёсий тадқиқ қилинди;

- академик лицейда “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслари жараёнида гапнинг иккинчи даражали бўлақларини замонавий таълим технологияларидан фойдаланиб ўрганишнинг илмий-назарий асослари, уни амалга оширишнинг лингвометодик шарт-шароитлари монографик планда ўрганилди;

- академик лицейлардаги мавжуд дастур, дарслик ва ўқув қўлланмаларда гапнинг бўлақларини ўрганишнинг ифода хусусиятлари таҳлил қилинди;

– гапнинг иккинчи даражали бўлақларини ўрганишда самарали аҳамият касб этувчи замонавий технологиялар, шакл ва усуллар аниқланди, тизимлаштирилди. Гапнинг иккинчи даражали бўлақларини таҳлил қилишнинг методикаси тавсия этилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур битирув малакавий иши орқали биринчи марта академик лицейлардаги “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарсларида гапнинг иккинчи даражали бўлақларини инновацион таълим технологиялари асосида ўрганиш методикаси тавсия этилди, уни амалга ошириш имконини берадиган шакл ва усуллар, топшириқлар тизими ҳамда дидактик материаллар ишлаб чиқилди. Буларнинг барчаси ўқувчиларнинг маълумотномалар, илмий китоблар, илмий-оммабоп, бадиий асарлардан фойдаланишга оид кўникма ва малакаларининг юксалишига имкон яратди.

Тадқиқот материалларидан академик лицейлардаги ўқитиш жараёнида, олий ўқув юртлари талабаларига она тили ўқитиш методикаси курсини ўқитишда, ўқитувчилар малакасини ошириш курсларида фойдаланиш мумкин.

БМИнинг тузилиши ва ҳажми. Мазкур битирув малакавий иш кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. АКАДЕМИК ЛИЦЕЙДА СИНТАКСИСНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ

1.1. Таълим босқичларида синтаксисни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари белгиланган бўлиб, унда таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги; таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги; умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги; таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги; давлат таълим стандартлари (ДТС) доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги; таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув; билимли бўлиш ва истеъдодни рағбатлантириш; таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш ўз ифодасини отопган. Таълим босқичларида она тилининг ўқитилиши “Таълим тўғрисида”ги Қонунда белгиланган ана шу тамойилларга таянади.

Бинобарин, таълим тизимида она тили энг асосий ва етакчи ўқув фанларидан бири экан, бу жараёнда синтаксис ўқитиш методикаси ҳам ўзига хос мавқега эга.

Ўқувчи ва талабаларни ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида мустақил ижодий фикрлашга ўргатиш, улар онгида маънавий-маърифий юксалишлар ҳосил қилишга интилиш лозим. Шунинг учун такомиллаштирилган янги дастур ва дарсликларда грамматик қоидаларни ёдлатишдан воз кечиш, ижодий тафаккур тарзини шакллантириш, дарс ва машғулотларни ўқувчи ва талабаларнинг нутқий малакасини юзага келтириш ва ривожлантиришга қаратиш асосий мақсад қилиб белгиланди.

Она тилини ўқитишдан мақсад тилнинг жамият аъзолари ўртасида бажарадиган вазифасидан келиб чиқади. Чунки кишилар ўз фаолиятларининг барча соҳаларида бир-бирлари билан фаол муносабатда бўладилар. Улар доимо ўзларини ўраб турган моддий борлиқдаги нарса-буюмлар, воқеа-ҳодисалар

тўғрисида фикр юритадилар ва ўз фикрларини бир-бирларига маълум қиладилар. Шунга кўра, Она тили таълимнинг мақсад ва вазифаси ўқувчи шахсини фикрлашга, ўзгалар фикрини англашга ва шу фикр маҳсулини оғзаки ҳамда ёзма шаклда саводли баён қила олишга, яъни коммуникатив саводхонликни ривожлантиришга йўналтирилган. Мукаммал шаклланган, мустақил фикрлай оладиган, нутқ ва мулоқот маданияти ривожланган – саводхон, маънавий баркамол шахсни камол топтириш мактабда она тили таълимнинг бирламчи мақсадини ташкил қилади.

Умумий ўрта таълимнинг она тили ўқитиш мазмунини ташкил қилувчи, ДТС талабларида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган она тили ўқув дастурида ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган назарий билим, кўникма ва малакалар аниқ ёритиб берилган. Унда она тили фанининг бўлимларига алоҳида тўхталиб, ҳар бир тушунчага муайян изоҳлар бериб ўтилган. Кузатишлардан маълум бўлдики, умумий ўрта маълим учун она тили фанидан 1999 йилда яратилган Давлат таълим стандарти талабларида ўқувчиларнинг фонетика, лексикология, морфология, нутқ маданияти ва стилистика, пунктуация бўлимларини ўзлаштиришлари учун зарурий назарий тушунчалар анчайин батафсил ёритилган. Бироқ, мактаб ўқувчиларининг грамматиканинг яна бир муҳим қисми бўлган синтаксис бўлимини ўзлаштириш борасидаги назарий тушунчаларига жиддий эътибор қаратилмаган. Бунда фақат синтаксисга тегишли қуйидаги икки банд акс этган:

– гап оҳанги, дарак, сўроқ, буйруқ, ундов гапларда тиниш белгиларини тўғри қўллаш. Айни гапни дарак, сўроқ, ундов оҳангларида талффуз этиш ва ёзиш;

– айна бир фикр-ахборотни содда ва қўшма гаплар билан ифодалаш.

Аммо, умумий ўрта таълимнинг 2010 йилда янги таҳрир қилиниб, такомиллаштирилган ДТС талабларида синтаксис бўлимига тегишли назарий маълумотлар ҳам аниқ кўрсатиб берилган. Янгиланган ДТС ва ўқув дастурининг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, унда она тили фанидан ҳар бир синф ўқувчилари ўзлаштириши лозим бўлган назарий билим, кўникма ва

малакалар алоҳида таснифланган. Шу маънода, синтаксис бўлими ҳам кенг очиб берилган. Жумладан, 5-синфларда синтаксиснинг умумий мазмун моҳияти, сўз бирикмаси, гап, гапнинг ифода мақсадига кўра турлари; гапнинг бош (эга ва кесим) ва иккинчи даражали (тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол) бўлақларини; содда (йиғиқ ва ёйиқ)гапларни ўрганиш кўзда тутилади. Ўқувчиларнинг бошланғич синфларда ўзлаштирган синтаксис бўлимига тегишли дастлабки маълумотлари мустаҳкамланади ва ривожлантирилади. 6-, 7-синфларда эса лексикология ва морфология бўлимларини ўзлаштиришга эътибор қаратилади. 7- синфда синтаксисдан фақатгина сўз бирикмалари, отли ва феълли бирикмаларни ўрганиш назарда тутилади. Бу босқичларда ўқувчиларга сўзнинг лексик ва грамматик маъноси борасида кенг маълумотлар берилади. Ўқувчилар, асосан, 8-, 9-синфларда синтаксис бўлимига тегишли назарий тушунчаларни мукамал ўрганишга йўналтирилган. Чунки бу бўлим тилшуносликнинг энг йирик ва ўз навбатида, анчайин мураккаб бўлими ҳисобланади. Шунингдек, бунда ўқувчиларнинг ёш ва физиологик хусусиятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ўқувчилар гап бўлақларига нисбатан сўз туркумларини осон ўзлаштирадилар. Сўз туркумларини етарли даражада ўрганган ўқувчигина гап бўлақларини аниқ ва тўғри ажрата олади; сўз бирикмаларини фарқлайди; содда гапларни қўшма гапларга айлантира олади, мураккаб матнлар тузади, қўшма гап синтаксинини талаб даражасида ўзлаштиради. Дастур ва дарсликлар таҳлилидан аён бўладики, ўқувчиларнинг гап бўлақлари, бош ва иккинчи даражали бўлақлар, иккинчи даражали бўлақларнинг мукамал таснифи ва тавсифи борасидаги назарий билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш ишлари, асосан, 8-синфларда кенг амалга оширилади. Бу ДТС талабларида қуйидагича акс этган: “Содда гап синтаксиси. Гап ва унинг нутқдаги ўрни. Гапнинг грамматик асоси. Эга ва кесим, уларнинг ифодаланиши. Содда гап, унинг тузилиши, маъно хусусиятига кўра турлари. Гапнинг иккинчи даражали бўлақлари: тўлдирувчи, ҳол, аниқловчи, уларнинг ифодаланиши. Маъно ва грамматик тузилишига кўра турлари. Гапда гап бўлақларининг тартиби. Одатдаги тартиб. Ўзгарган тартиб.

Гапда кириш бўлаклар...”⁷ Шу тартибда бу босқичда уюшиқ бўлаклар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ажратилган бўлаклар ҳақида ҳам бир қадар кенг тушунчалар бериш назарда тутилади. 9- синфларда она тили синтаксисини ўқитиш бевосита қўшма гаплар, уларнинг грамматик хусусиятлари, матн яратиш технологияси каби йирик ва айти пайтда мураккаб назарий тушунчаларни ўрганиш билан боғлиқ. Умумий таълимда она тили синтаксисни ўқитиш ДТС ва ўқув дастурларида анчайин кенг, ҳар бир синф ўқувчилари ўзлаштириши лозим бўлган назарий билим, кўникма ва малакалар муфассал баён қилинган, аниқ йўналишлар белгилаб берилган.

Ўқувчилар умумий ўрта таълимда она тили фанидан ўзлаштирган билимларини, кўникма ва малакаларини ўрта махсус таълим – академик лицейда, касб-хунар коллежларида давом эттириш, янада бойитиш имконига эгадирлар. Шунга кўра, бу босқичдаги она тили таълимнинг мазмуни, мақсад ва вазифаси умумий ўрта таълимга уйғун ҳолда такомиллаштирилган бўлиб, бу фан академик лицейларда Ҳозирги ўзбек адабий тили номи билан юритилади.

Академик лицейда синтаксис тўғрисидаги назарий тушунчалар сўз бирикмаси ва унинг тузилиши, сўз бирикмасини ҳосил қилиш йўллари мукамалроқ ўрганиш билан бошланиб, бу таълим босқичида ҳам содда ва қўшма гаплар, гап бўлаклари, бош ва иккинчи даражали бўлакларнинг грамматик хусусиятлари, уюшиқ ва ажратилган бўлаклар, қўшма гап синтаксисини тўғрисида ниҳоятда кенг маълумот бериш назарда тутилади. Академик лицейларда синтаксисга кириш иккинчи босқичдан бошлаб ўқитилади. Биринчи босқичда талабалар ҳозирги ўзбек адабий тилининг фонетика, лексикология, луғатшуослик соҳалари бўйича муфассал маълумотлар оладилар, муайян назарий билим, кўникма ва малакаларини ривожлантирадилар. Синтаксис бўлимининг ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган назарий тушунчалари академик лицейларнинг Ҳозирги ўзбек адабий тили фани бўйича яратилган дастурида янада кенг ёритилган, уларнинг ҳар бирига алоҳида изоҳлар берилиб, муайян соатлар ажратилган. Бу ҳақда биз

⁷ Uzviylashtirilgan Davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi. (5 – 9 sinflar), – Т., 2010, 17-19- б.

мазкур бобнинг кейинги фаслида алоҳида тўхталиб, батафсил маълумотлар беришга ҳаракат қиламиз. Энди фикримизни касб-хунар коллежларида она тили синтаксисини ўқитишнинг илмий-методик асосларига қаратамиз.

Касб-хунар коллежларида ўзбек тили ўқитишга асосланган фан худди умумий ўрта таълимдагидек, “Она тили” фани деб юритилади. Касб-хунар коллежлари учун она тили ва адабиёт фанидан яратилган ўқув дастурида она тили ўқитишнинг мақсади қуйидагича белгилаб берилган: Она тили фанини коллеж ўқувчиларига ўқитишдан асосий мақсад миллий кадриятларимиз асоси саналмиш она тилимиз ва адабиётимизнинг бебаҳо мероси, анъаналари билан таниш бўлган ўқувчиларнинг билимларини системали йўсинда умумлаштириш ва эгаллаган кўникмаларини мустаҳкамлашдир.

Мазкур мақсадни самарали амалга ошириш учун эса коллежларда ўқитиладиган «Она тили ва адабиёт» фани учун:

- ўрта мактабда кам эътибор берилган мавзуларни тўлдириш;
- ўқувчилар тўла англаб етмаган ёки тушунилишида қийинчилик туғдирадиган мавзуларни кенгроқ изоҳлаш ва шу орқали етарли нутқий малакани шакллантириш;
- адабий-бадиий матнлар устида ишлаш, кўникмаларни ўстириш каби вазифалар белгилаб қўйилган.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, дастурни тузишда она тили фани бўйича умумий ўрта мактаб дастурига асосланилган ва бу таълим босқичида чуқур ўзлаштирилмаган билимларни сингдиришга эътибор қаратилган. “Дастур мазмунида ўқувчиларнинг муайян мавзу юзасидан мустақил фикр юритишларига, ўз устларида кўпроқ ишлашларига, билим эгаллашнинг типиклаштиришдан умумлаштиришга қараб бориш, далилларни шарҳлаш ва асослаш йўсинларига асосий диққат қаратилди. Шунингдек, дастурни яратишда тажрибали методист ўқитувчиларнинг тақлиф-истаклари, чет эл

коллежларидаги таълим тизими мазмуни ўрганилганлиги ва инобатга олинганлиги ҳам алоҳида диққатга сазовордир”⁸.

Ушбу дастур амалдаги дастурлардан биринчидан, умумий ўрта мактабнинг синовдан ўтган янги дастурлари негизида яратилганлиги, иккинчидан, ўзлаштирилаётган билимларнинг амалий тадбири бош мезон сифатида танланганлиги, ҳамда тарихийлик, изчиллик, миллийлик ва замонавийлик тамойилларига тўла бўй сундирилганлиги билан ажралиб туради.

Дастур муаллифларининг эътироф этишича, касб-хунар коллежларидаги таълим мазмуни йўналиши ва ўқувчиларнинг она тилидан ўзлаштириши зарур бўлган билимларни эҳтиёж ва қизиқишга мувофиқлаштириб тавсия этиш маъқул деб ҳисобланган.

Бунда ўқувчиларнинг она тилига эътиборини кучайтириш, тилнинг ижтимоий моҳиятини англаш, ўз она тили фани тарихи, ўзига хос табиатини билиш, давлат тили сифатида ундан тўла фойдаланиш имкониятларини излаши лозимлигини тушунтира ва сингдира олиш орқали амалга оширилишига кенг эътибор берилган.

Шу асосда коллеж талабаларининг ўзбекча нутқий саводхонлик даражасини ўстириш, сўзни тўғри танлаш ва қўллаш, фикрнинг равшанлигини таъминловчи лисоний воситалардан ўринли фойдаланиш борасидаги кўникмаларини мустаҳкамлашга кенг ўрин ажратилган. Шунингдек, дастурда она тили фани ўқитувчисининг бу борада самарали натижаларга эришиш йўллари ҳам кўрсатиб берилган. Ўқитувчи турли назорат шакллари ёрдамида ҳар мавзудан сўнг ўз ўқувчиларининг нутқий саводхонлигини, мантиқий фикрлашини текшириб бориши, муайян мавзулар пухта ўзлаштирилмагунича янги мавзуни бошламаслиги лозим бўлади. Ўқитувчи грамматик қоидаларнинг амалий татбиқига хос жиҳатларга, сўз ва гапнинг нутқ ҳосиласи сифатидаги

⁸ A.R. Rafiyev, N. G'ulomova. Ona tili va adabiyot akademik litsey va kasb- hunar kollejlari uchun o'quv dasturi. –T., 2010, 3- b.

хусусиятларига, гап тузишдаги ғализликка барҳам беришга эътиборни қаратиши лозим.

Шуниси эътиборлики, касб-хунар коллежларининг она тили дастури ва дарслигида мавзулар 4 рукнга ажратиб ёритилган. Булар “Она тилим – жону дилим”, “Тўғри ёзиш – саводхонлик асоси”, “Кўнгил дури ичра гуҳар сўздурур”, “Ифода аниқлиги – фикр равшанлиги” каби рукнлар бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўзига хос мавзуларни ўрганиш кўзда тутилган. Чунончи, биринчи рукнда тил ва тафаккур, ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари, “Давлат тили тўғрисида”ги Қонун ва ундан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида маълумотлар бериш кўзда тутилган бўлиб, бунинг учун 5 соат ажратилган. Иккинчи рукнда эса тўғри ёзиш, ёзма саводхонлик, тилининг белгилари имлоси ҳақида маълумотлар бериш учун 7 соат ажратилган. Учинчи рукнда буюк мутафаккирларнинг сўз ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, сўз қудрати, нутқда сўзни тўғри қўллаш мезонлари, сўзларнинг маъно муносабати ўрганилади ва бунинг учун 7 соат режалаштирилган. Коллеж ўқувчиларига синтаксисни ўқитиш тўртинчи рукнда режалаштирилган ва бунга 16 соат вақт белгиланган. Ушбу рукн она тили фани учун ажратилган мавзуларнинг катта қисмини қамраб олган. Бунда гап қурилиши, матн яратиш технологияси, инверсия ҳодисаси, киритма гаплар, матннинг тузилиши ва мазмунига кўра турлари тўғрисида муайян маълумотлар бериш кўзда тутилган. Кузатишлардан кўринадики, касб-хунар коллежларида она тили фанига тегишли мавзулар орасида синтаксисни ўқитишга кенг эътибор қаратилган, шунинг учун мазкур фанга ажратилган соатлар миқдори ҳам кўпроқ. Бироқ, бунда синтаксисни ўқитиш, асосан, гап қурилиши ва матн яратиш технологияси билан боғлиқ. Аммо бу таълим босқичида гап бўлакларини ўрганишга жиддий эътибор қаратилмаган ва муайян мавзулар белгилаб берилмаган.

“Она тили” дастурида белгиланган асосий мавзуларда адабий-бадий матнни лисоний-бадий таҳлил этиш орқали ҳам тил билимларини мустаҳкамлаш назарда тутилган. Аммо дастурда она тили мавзуларини ўрганишга 40 соат ажратилган бўлиб, мазкур соат уч йиллик мажбурий таълим

хисобланган касб-хунар коллежлари учун бир қадар қисқадек туюлади. Чунки, касб-хунар коллежи талабаси муайян касбга йўналтирилиб ўқитилади ва унга шу йўналиш бўйича мутахассислик дипломи берилади. Бугунги талаба – эртанги мутахассис. У жамиятнинг турли соҳаларида фаолият олиб бориши мумкин. Шу маънода, бу талаба она тили фани бўйича, асосан, мактаб таълимида ўзлаштирган билимларига таяниб иш юритишга мажбур бўлиб қолмоқда. Зеро, она тили бу – Ҳозирги ўзбек адабий тили, яъники, Давлат тили. Мутахассис сифатида фаолият олиб бораётган ходимнинг ўзбек адабий тилини пухта эгаллаган бўлиши ҳужжатлар устида иш юритганда ҳам, мактабгача таълим, тиббиёт соҳаларида фаолият олиб борганда ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Тўғри, касб-хунар коллежларида Давлат тилида иш юритиш, Нутқ маданияти асослари сингари алоҳида фанлар ўқитилади. Аммо бу фанлар ҳамма коллежларда ҳам ўқитилмаслигини эътибордан қочирмаслик лозим.

Шунингдек, касб-хунар коллежини тугатаётган аксарият талабалар олий таълим йўналишларига ҳужжат топшириб, ўқишини давом эттиришга, олий маълумот эгаллашга интилади. Улар 40 соатгина ажратилган она тили фанини биринчи курснинг иккинчи семестрида ўқиб-ўрганиб улгуришган. Кейинги босқичларда эса она тили ўқитилмайди. Аксинча, адабиёт фанига 80 соат ажратилган. Лекин олий таълимга қабул имтиҳонларида ўзбек тили ва адабиёти фанидан тайёрланадиган тест саволларининг 75-80%и (36 тадан 24-28 таси)ни ўзбек тилига тегишли саволлар ташкил қилади. Ушбу мулоҳазалардан кўринадик, бугунги методист олимларимиз, касб-хунар коллежларига тегишли “Она тили ва адабиёт” дастури муаллифлари масаланинг айна шу жиҳатларини кенгрок ўрганиб, тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқсалар, она тили таълимига ажратилган соатларни кенгайтириш устида муайян ишларни амалга оширсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқоридаги таҳлиллардан кўринадик, таълим босқичларида она тили синтаксисини ўқитиш шу таълим тизмининг ўзига хос хусусиятлари, она тили фанини ўқитишнинг миқдорий кўрсаткичлари, таълимий мазмуни, шунингдек,

Ўқувчи-талабаларнинг ёш ва физиологик имкониятлари билан чамбарчас боғлиқ. Умумий ўрта таълимда ўқувчилар синтаксис бўлимига тегишли назарий тушунчаларни босқичма-босқич ўзлаштириб борадилар; ўрта махсус таълимда, яъни академик лицейда эса бу маълумотлар янада мустаҳкамланади, бойитилади; касб-хунар коллежларида синтаксис ўқитиш эса бевосита матн турлари, матн яратиш техникаси тўғрисида маълумотлар бериш, ўқувчиларнинг ўз фикрини аниқ ва тўғри ифодалай олиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришга йўналтирилади. Таълимнинг қайси босқичида бўлмасин, синтаксис бўлимини ўрганишга қанча вақт ажратилган бўлмасин, ўз касбининг моҳир устаси бўлган ҳар қандай масъулиятли она тили ўқитувчиси дарсларни дастурий талаблар асосида шакллантирса, янги замонавий педагогик технологиялардан маҳорат билан фойдалана олса, она тили таълимининг самарадорлигига муносиб ҳисса қўшади, ўқувчиларининг теран билимли, юксак маънавийатли шахс сифатида камол топишларига эришади.

1.2. Академик лицей ўқув дастури ва дарсликларида гап бўлакларини ўрганишнинг ифодаси

Маълумки, академик лицейларда таълим мазмуни бевосита умумтаълим мактаблари таълим мазмунининг давоми ҳисобланади ва улар негизида давом эттирилади. Академик лицей битирувчиларига умумтаълим фанлари бўйича таълим мазмунининг мажбурий минимумини «Умумтаълим фанлари» давлат таълим стандарти белгилаб беради.

Академик лицейлар ДТСида академик лицей битирувчиларига қўйиладиган талаблар орасида бевосита Ҳозирги ўзбек адабий тили фанини ўқитиш билан боғлиқ бўлган қуйидаги талабларни кузатишимиз мумкин:

- мустақил ва ижодий фикрлаш, фикрларини ёзма ва оғзаки равишда баён эта олиш малакалари шаклланган бўлиши;
- ўзбек тилини мукаммал билиш, давлат тилида ёзма ва оғзаки равишда эркин мулоқотда бўлиш;

– умуминсоний фазилатларга эга бўлиш, ўз миллатини ва ватанини севиш, у билан фахрланиш, миллий урф-одатлар, кадриятларни ҳурмат қилиш⁹.

Демак, академик лицейларнинг, айниқса, ижтимоий-гуманитар йўналишларида Ҳозирги ўзбек адабий тили чуқурлаштириб ўтилади ва талабалардан мазкур фанни мукамал билиш талаб қилинади. Шунга кўра, ДТСида академик лицей талабаларининг Ҳозирги ўзбек адабий тили фанидан ўзлаштириши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалари ҳам аниқ белгилаб берилган:

- ўзбек адабий тилининг асосий таракқиёт босқичларини билиш;
- фонетика, графика, орфоэпия ва орфографияни билиши ва уларнинг қоидаларидан фойдалана олиш;
- сўз таркиби, лексикология, ўзбек луғатшунослиги ва парамеологияси ҳақида билимларга эга бўлиш;
- ўзбек тилининг талаффуз меъёрларини, ўзбек тилининг имло қоидалари, ўзбек пунктуациясини ва ўзбек тили услубиятини билишлари ва улардан фойдалана олиш;
- иншо ёзиш малакасига эга бўлиш;
- нутқда сўз туркумлари услубиёти, содда, қўшма, жуфт ва қисқартирма сўзлардан фойдаланишни билиш;
- сўз бирикмаларининг тузилишини билиш ва улардан ўз нутқида фойдалана олиш;
- гап қурилиши ва нутқда қўшма гаплар синонимиясини билиш¹⁰.

Бир қараганда, мазкур талаблар мазмунида гап бўлакларини ўрганиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилмаган. Аммо гап қурилиши бўлимида бевосита гап бўлаклари ҳам ўрганишилини назардан қочирмаслик лозим.

⁹ Akademik litseylarning aniq fanlar yo'nalishidagi tarmoq ta'lim standarti va chuqurlashtirilgan fanlar o'quv dasturlari... Ona tili va adabiyoti /Mualliflar: A.Nurmonov, N.Mahmudov, A. Sobirov, N.Qosimova, Sh. Yusupova. – T.: O'qituvchi, 2005, 176- b.

¹⁰ Akademik litseylarning aniq fanlar yo'nalishidagi tarmoq ta'lim standarti va chuqurlashtirilgan fanlar o'quv dasturlari... Ona tili va adabiyoti /Mualliflar: A.Nurmonov, N.Mahmudov, A. Sobirov, N.Qosimova, Sh. Yusupova. – T.: O'qituvchi, 2005, 178- b.

Мазкур ДСТ асосида яратилган намунавий ўқув дастурида масаланинг бу жиҳатларига анчайин батафсил тўхталиб ўтилган.

Маълумки, ўқув дастури тегишли ДТС ҳамда ўқув режасига таяниб юзага келадиган муҳим давлат ҳужжати ҳисобланади. У ДТСни амалга оширишда таянч манба саналади. Бутун ўқув жараёни ана шу давлат ҳужжатига таянган ҳолда ташкил этилади. Дастур ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар ҳажмини, оғзаки ва ёзма нутқ малакаларининг эгалланиши лозим бўлган даражасини белгилаб беради. У она тили таълимининг мақсади, вазифалари ва мазмунини муайянлаштиради.

Академик лицейларнинг ўқув режаларига мувофиқ аниқ ва табиий фанлар йўналишида она тили фанининг миқдорий кўрсаткичлари қуйидагича: «Давлат тилида иш юритиш» (40 соат), «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (176 соат), «Нутқ маданияти» (32 соат).

Ижтимоий – гуманитар ва хорижий тиллар йўналишда «Давлат тилида иш юритиш» (40 соат), «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (216 соат), «Эски ўзбек тили» (72 соат), «Нутқ маданияти» (32 соат) предметлари кўзда тутилган. Уларга тегишли миқдордаги соатлар ажратилган. Дастур академик лицейларнинг ҳар бир босқичи учун алоҳида талаблар тизимини кўзда тутди. Унда она тилининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганишнинг ҳажми, мазмуни ва изчиллиги кўрсатилган.

Дастурда академик лицейлардаги она тили ўқитишнинг асосий вазифалари қуйидагича кўрсатилган:

- ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатиш;
- фикрни оғзаки ва ёзма шаклда она тилининг қонун-қоидаларига мувофиқ равишда тўғри ифодалаш;
- бир маънони турли шаклларда бера олиш кўникмасини шакллантириш;
- ўзбек тилининг ички тузилиши ва тузилиш бирликлари юзасидан умумий ўрта таълимда олган билимларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш;
- орфография ва пунктуация қоидаларини сингдириш;
- иш қоғозларини юрита олиш кўникмасини шакллантириш;

– турли фанларни ўрганишда она тилининг аҳамиятини сингдириш.

Шунга кўра Она тили дарсликларида берилган назмий ва насрий матнларда миллий тафаккур, миллий ғоя, маънавий қадриятлар, шарқона одоб-ахлоқ намуналари акс эттирилди. Зеро, юртимиз раҳбари ҳам: “Эски қолипда бўлган дарсликлардан, эски мафкурадан халос бўлмасдан, болаларимизни янгича фикрлашга ўргатолмаймиз”, – дея бежиз таъкидламаган.

Академик лицейларга ёзилган дастур ва дарслик мазмунини ўқувчиларнинг умумий ўрта таълимда олган билимларини чуқурлаштиришга, шу ихтисослик бўйича кенг билим беришга, ёшларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини ўстиришга қаратилганлиги билан диққатга сазовор. Ўз фикрини раво, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни замон талаби даражасидаги мутахассис деб бўлмайди. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда академик лицейларда ҳозирги ўзбек адабий тили таълимига алоҳида эътибор берилади.

Академик лицейларда иқтидорли ўқувчилар таълим олишларини, улар бу билим юртида ўз ихтисосликлари бўйича олий ўқув юртига кириш учун замин ҳозирлашларини эътиборга олиб, индуктив асосда назарий билимларни ўзлаштириш тавсия этилган.

Янгиланган педагогик жараёнда бугунги ўқитувчи дарснинг ягона «хўжайини» эмас, унинг механизминини ҳаракатга келтирувчи мулоқот марказига айланади. Шу маънода, академик лицейларда «Ҳозирги ўзбек адабий тили ўқитиш»да ҳар бир дарсни ташкил этиш тизими бўйича муайян тавсиялар берилган.

«Ҳозирги ўзбек адабий тили»¹⁰ дастурида амалиёт ва назариянинг узвий алоқадорлигини ҳисобга олган ҳолда хорижий тажрибаларга асосланиб, Н – назария ҳамда А – амалиёт рукни остида тегишли материаллар берилган.

Н – назарияда соф назарий материалларни муайян матнлар асосида тушунтириш назарда тутилади. Шу мақсадда А – амалиёт рукни остида бешта йўналиш бўйича иш олиб бориш режалаштирилган:

¹⁰ Муаллифлар: А.А.Абдулқодир, Ё.А.Абдулқодир, Ё.А.Абдулқодир, Ё.А.Абдулқодир, Ё.А.Абдулқодир, 2001 йил.

1. Ҳар бир дарсда аниқ мақсадга йўналтирилган, ҳаётимизнинг энг долзарб масалаларини қамраб олган (масалан, «Соҳибқирон сабоқлари», «Маънавият-қалбим қуёши», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир») матнлар устида ишлаш даркор. Матн грамматикага боғлаб берилади.

Матн мазмунидан келиб чиқиб чизилган ёки алоҳида ажратилган лисоний бирликлар асосида илмий билимлар сингдирилади.

2. Юқоридаги матн ва назарий материал асосида ўқитувчи-ўқувчи, ўқувчи-ўқувчи, ўқувчи-ўқитувчи коммуникацияси амалга оширилади.

Бунда савол-жавоб, баҳс-мунозара ва ҳоказо усуллардан фойдаланиш кераклиги ҳисобга олинган.

3. Дарснинг энг муҳим қисмини, кульминациясини мана шу компонент ташкил қилади. Баҳс, мунозара, тортишув асосида ўқувчилар ўз фикрларини баён этадилар, расмлар, маданий ёдгорликларнинг тасвири каби турли хил йўналишларидаги материаллар ёрдамида фикр алмашадилар. Баён этган назарий асосни мустаҳкамлайдилар.

4. Халқимизнинг сара асарлари, куйлар, драматик асарлар, кинофильмлардан намуналар (масалан, «Дилхирож», «Лазги», «Шошмақом», мумтоз куйлар, замонавий эстрада, «Ўтган кунлар», «Темир хотин», «Парвона») карнай, сурнай, ғижжак, най наволари эшиттирилади, кўрсатилади. Шулар таъсирида ўқувчида фикр ўзбек адабий тилининг, санъат ва маданиятининг буюк таъсир кучини сезиш, ҳис қилиш туйғулари уйғотилади, топшириқлар берилади.

5. Ариза, маълумотнома, тилхат, мактуб, турли хил шаклларни тўлдириш, мақола ва тақриз ёзиш, баён ҳамда иншога режа тузиш, материал тўплаш, қоралама нусхани тайёрлаш ва уни оққа кўчириш, дафтар тутиш, иш юритиш кўникмалари ўргатилади. Бунда ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстиришга алоҳида диққат-эътибор қилинади. Айниқса, кўриб, ўқиб, эшитиб туриб (аудио воситасида) ёзишга одатланиш кўникмаларини ҳосил қилиш учун зарурий тавсиялар берилди. шунингдек, ёзма нутқни ўстириш учун дастурга иншо мавзулари киритилди.

Юқоридагилар асосида кичик ҳажмдаги матнлар, турли хил иш қоғозларидан намуналар ёзишга, тестлар устида ишлашга вақт ажратилади. шу мақсадда хилма-хил грамматик ўйинлардан, ребус ва кроссвордлардан фойдаланиш лозимлиги дастурда ўз аксини топди.

Бир сўз билан айтганда, ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқларини ўстиришга, улардаги лексик захирани кўпайтиришга ва амалиётда фаол қўллашга ҳаракат қилинади.

Иложи бориша тил материалларидан амалий фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш, талаффуз ва имло меъёрларини, тилимиздаги бугунги ўзгаришларни, тил тарихидан зарурий нарсаларни, тиниш белгилари, сўз, сўз бирикмалари, гап қурилиши ҳақидаги қонун-қоидаларни ўргатиш масалалари ҳам ўзбек адабий тили таълимининг туб моҳиятини ташкил қилади.

Ўзбек техникавий (машина) тилининг бошланмаси ҳисобланган принтер, компьютер, оператор, дастурлаш, бейсик тили каби лексик бирликларнинг туб моҳиятини англатиш, ўқувчиларни ўзбек адабий тилидан компьютерда ишлаш учун дастурлар тузишга етаклаш, аудио-видео, компьютер техникаси сирларидан воқиф қила бориш ҳам ўзбек адабий тили дарсларидаги асосий йўналишлардан бири саналади.

Шунингдек, дастурда дарс ўтишнинг энг замонавий, жаҳон андозаларидаги усулларидан, ноанъанавий услублардан максимал даражада фойдаланиш, табиат, ишлаб чиқариш корхоналари қўйнида машғулот ўтиш каби шаклларни йўлга қўйиш лозимлиги ҳам алоҳида таъкидланган.

Дастурда академик лицейларда Ҳозирги ўзбек адабий тили фанини ўқитиш қуйидагича тақсимланган:

I-босқич (Жами 80 соат, шундан 16 соати ёзма нутқни ўстириш учун);

II-босқич (80 соат, шундан 14 соати ёзма нутқни ўстириш учун);

III-босқич (80 соат, шундан 14 соати ёзма нутқни ўстириш учун).

Кузатишлардан маълум бўлдики, академик лицейларда синтаксисни ўрганиш III-босқичда режалаштирилган. Бунда синтаксис “Сўз бирикмаларини тузиш ва улардан фойдаланиш” мавзуси билан бошланиб, “Матн тил ва нутқ

синтактик қурилишига эга бўлган энг йирик бирлик эканлиги, матннинг ўзига хос хусусиятлари” мавзусини ўрганиш билан якунланади. Биз биламизки, сўз бирикмаси синтаксиснинг энг кичик бирликларидан ҳисобланади. Матн эса, аксинча, синтаксисдаги энг йирик тил ва нутқ бирлигидир. Демак, академик лицейда синтаксис ўқитиш унинг энг кичик ва йирик бирликлари, улар оралиғидаги турли синтактик бирликларни ўрганишдан иборат. Бу босқичда талабалар сўз бирикмаси тузиш ва улардан нутқ жараёнида фойдаланиш йўллари устида ишлайдилар; гап бўлакларининг нутқ жараёнидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганадилар; гап қурилиши, уюшиқ бўлақлар, ажратилган бўлақлар, ундалмалар ва кириш қурилмалар услубиёти, қўшма гаплар синонимияси тўғрисида мукамал тушунча ва тасаввурга эга бўладилар; турли ҳажмдаги матнлар таҳрири устида иш юритадилар.

Академик лицейда синтаксис бўлимини ўрганиш жараёнида талабаларга гап бўлақлари, уларнинг грамматик хусусиятлари ва нутқдаги услубий хосликлари бўйича бир қадар кенг маълумотлар бериш кўзда тутилган. Айни шу мақсадни амалга ошириш учун гап бўлакларини ўрганишга 16 соат вақт ажратилган. Бу босқичда гап бўлакларини ўрганиш қуйидаги маълумотларни беришга йўналтирилган¹¹:

4. Нутқда гап бўлакларининг ўрни (16 соат)			
Н		А	
	Матн ичидаги гапларнинг кесими, эгаси, тўлдирувчиси, ҳоли ва аниқловчисини белгилаш, уларнинг ифодаланишига диққат қилиш. Кесимлар услубиёти. Феъл кесим ва от кесимлар услубиёти. Эгаларнинг услубий хусусиятлари. Эгали ва эгасиз гаплар услубиёти. Кесимнинг эга билан мослашуви. Тўлдирувчилар услубиёти (Ватан учун//Ватан –чун // Ватанга жон фидо қилмоқ) Воситали тўлдирувчилар услубиёти (ишбилармонлар билан учрашмоқ// ишбилармонларга дуч келмоқ)		"Муסיқанинг кудрати", "Сени соғиндим", "Ўғлим, сенга айтаман!", "Муҳаммад алайҳиссаломнинг васиятлари", "Мен ўзбек тилиман!" каби матнлар устида ишлаш, уларда қўлланилган гап бўлақларига тасниф беришга ўргатиш. Юқоридаги матнлар бўйича саволлар тузишга ўргатиш. Театр ва кино таассуротлари асосида фикр юритиш Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Таваккал Қодиров каби қўшиқчиларининг ашулаларидан намуналар тинглаш. Юқоридаги қўшиқлардан олинган

¹¹ Akademik litseylarning aniq fanlar yo'nalishidagi tarmoq ta'lim standarti va chuqurlashtirilgan fanlar o'quv dasturlari... Ona tili va adabiyoti /Mualliflar: A.Nurmonov, N.Mahmudov, A. Sobirov, N.Qosimova, Sh. Yusupova. – T.: O'qituvchi, 2005, 196-197- b.

Воситасиз тўлдирувчилар услубиёти она диёрни васф этмоқ, юртини куйламоқ) Ҳолларнинг услубий хусусиятлари Равиш, ўрин, пайт, сабаб, мақсад, даража-миқдор ҳоллари услубиёти, (Ўзбекистонда <u>//серқувёш ўлкамизда // республикамизда ҳамма миллатлар тенг ҳуқуқли</u>). Бўлакнинг бўлаги. Аниқловчилар услубиёти. Сифатловчи аниқловчилар услубиёти (<u>уста// мохир, ишбилармон// тадбиркор ходим</u>). Қаратқичли аниқловчилар услубиёти (ўз укаси // ўзимнинг укам менинг укам) Қаратқичли аниқловчиларнинг белгили ва белгисиз қўлланилиши (юрт осойишталиги юртнинг осойишталиги). Изоҳловчи аниқловчи. Талабаларни гап бўлакларидан ўринли фойдаланишга ўргатиш.	таассуротларни қоғозга тушириш. Тилхат ёзиш Гап бўлакларини грамматик ўйинлар асосида ўрганиш Таянч тушунчаларни асослаш Тестлар устида ишлаш Мақолларнинг мазмун моҳиятини изоҳлаш.
---	---

Шуни таъкидлаш лозимки, дастурда гапнинг бош бўлаклари: эга ва кесим, уларнинг грамматик тузилишига кўра турлари; иккинчи даражали бўлаклари: тўлдирувчи, ҳол ва аниқловчилар, уларнинг услубий хосликларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган ва ҳар бир тури ажратиб кўрсатилган. Мазкур дастур асосида академик лицейларнинг III-босқичлари учун яратилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида¹² 9- мавзудан бошлаб гап бўлаклари тўғрисидаги маълумотлар ва шу мавзуларга тегишли амалий машқлар тизими 43-74-саҳифаларда берилган. Бунда гап бўлакларининг грамматик хусусиятлари, маъновий турлари анча кенг ёритилган ва талабалар билимини мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча машқлар, топшириқлар тавсия қилинган.

Дастлаб, гап қурилиши, унда сўзларнинг ўзаро боғланиш йўллари, сўз бирикмаси, унинг тузилиши ва грамматик муносабатига кўра турлари ўрганилади. Бу босқичда гап бўлакларини ўрганиш 9-дарсдан бошланади. Бунда, аввало гап бўлакларини ажратиш, гапнинг бош бўлак, иккинчи ва учинчи даражали бўлаклари ҳақида маълумотлар бериш режалаштирилган.

¹² А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, А.Собиров, Ш.Юсупова. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: “ИЛМ-ЗИЁ”, 2010 (учинчи нашр).

9-, 10-, 11-мавзуларда, асосан, гапнинг бош бўлаklarини ўрганиш кўзда тутилади. Унда бош бўлаklarнинг ўзига хос хусусиятлари, гап қурилишидаги ўрни, тузилиши (содда ва қўшма кесим) ва грамматик маъносига кўра турлари (от кесим ва феъл кесим), эга ва кесимнинг мослашуви тўғрисида анча кенг маълумотлар берилган. Талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш, амалий кўникмаларини ривожлантириш учун эса бир қанча қизиқарли машқлар тизими тавсия қилинган. Гапнинг иккинчи даражали бўлаklари ҳақидаги батафсил маълумотлар 12-, 13-, 14-, 15-дарсларда кенг ёритиб берилган. Мавзуларга тегишли муайян топшириқлар тавсия қилинган. Шу ўринда қайд этиш жоизки, академик лицейларнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида мавзуларни мустаҳкамлаш учун тавсия этилаётган савол ва топшириқлар, амалий машқлар ўзининг ҳам назарий жиҳатларни қамраб олганлиги, ҳам ўқувчи-талаба маънавиятини бойитишга йўналтирилганлиги билан алоҳида диққатга сазовор. Турли мазмундаги дидактик матнлар, бадиий асарлардан танланган ранг-баранг материаллар дарслик муаллифларининг анчайин масъулият ва эътибор билан ёндашганларини кўрсатиб турибди. Бундай ҳолатлар бир томондан, талабаларнинг назарий маълумотларини мустаҳкамласа, иккинчидан уни бадииятга ошно қилади, тафаккурини юксалтириб, дунёқарашини бойитади, оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Айни фикр-мулоҳазалардан, аниқ фактик материаллардан кўзга ташланадики, академик лицейларда ҳозирги ўзбек адабий тилини ўқитишнинг илмий-методик асослари анча мукаммал ишланган. Мазкур фанга тегишли ДТС ва шу асосда яратилган ўқув дастурлари, режалари, дарслик ва қўлланмалар ҳам ниҳоятда пухта ишлаб чиқилган.

II БОБ. АКАДЕМИК ЛИЦЕЙДА ГАПНИНГ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАКЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН Фойдаланиб ўргатиш усуллари

2.1. Тўлдирувчи ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўргатишда таълим технологияларидан фойдаланиш

“Фан ва техниканинг мавжуд янгиликлари уларни ўқув дастурлари ва дарсликлари мазмунига жадал киритишни талаб этади ва бу орқали талабаларнинг замонавий билимларини шакллантиришга замин яратади. Замонавий ўқитиш технологияларининг жорий этилиши ва турли методик ёндошувлар эса, ўз навбатида, талабаларда кўплаб фундаментал тушунчаларнинг нисбатан енгил ва мустаҳкам шаклланишига яхши шароит яратади.”¹³

Давр талаби билан бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида замонавий ахборот технологиялари дадил кириб келмоқда. Мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг дарс ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида ўзбек тилини кенгроқ ўрганиш имконини берадиган ахборот технологияларидан, шу жумладан, электрон дарсликлардан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Бугина эмас, электрон вариантдаги бадиий асарлар ҳам китобхонларга ҳавола қилинмоқда. Буларнинг барчаси бугунги ёшларимизнинг фан асосларини чуқур эгаллашларига, оғзаки ва ёзма нутқ маданиятларини такомиллаштиришга, маънавий оламини юксалтиришга хизмат қилади.

Янги педагогик технология талаблари асосида турли усулда ўтказиладиган дарс шакллари хилма-хил бўлиб, улар ўз ичига ҳам анъанавий, ҳам ноанъанавий дарс типларини қамраб олади. *Ўб* *làúíîäà, àèääàèè èèöâéèäðäà* *Хîçèðäè* *Ғçáâè äääâéè òèèè ôâíèíèè ҳàì çàìíîââèè òàúèèì òâõîîîîâèýèäðèäâí ôîéääèâíèä* *Ғðââíèø íèхîýðäà ñàìàðäâîð àхàìèýðäà ýâà. Àèääàèè èèöâé òàèääèäðèèíä* *èíðâèèâèðòâè ñàèîхèýðè, ,ø âà òèçèèèîâèè õõîõîèýðèäðè, хîçèðäè* *Ғçáâè äääâéè òèèèèèíä* *ìàқîââ âà âàçèðäèäðèäâí èâèèä ÷èққàí хîèââ, ìàçèòð ôâíâà òââèèèè*

¹³ Бегимкулов У. Педагогик таълимда замонавий технологиялар. “Педагогик таълим” журналы. 2005, 6-сон, 15-17-бетлар.

[illegible]

Маълумки, гапда сўзлар ўзаро грамматик муносабатга киришиб гап бўлакларини ҳосил қилади. Гапда бирор сўроққа жавоб бўлган ва ўзаро тобе боғланган сўз ёки сўз бирикмаси гап бўлаги дейилади. Гап бўлаклари 2 га бўлинади:

1. Бош (ҳоким) бўлақлар.
2. Иккинчи даражали бўлақлар.

Эга ва кесим гапнинг бош бўлаклари ҳисобланади. Улар ўзаро фақат тобе бўланади ва гапнинг грамматик асосини ташкил этади.

Иккинчи даражали бўлаklar гапнинг кесими ёки эгасига тобеланиб, уларга эргашиб келадиган бўлаklar ҳисобланади. Бундай бўлаklar фикрни аниқ ва тўлиқ шакллантиришга, муносабатни ёрқин ифодалашга хизмат қилади. Гапнинг иккинчи даражали бўлаklари грамматик маъноси ва тузилишига кўра: тўлдирувчи, аниқловчи ва ҳол каби бўлаklarга ажратиб ўрганилади.

Гап бўлаклари тузилишига кўра ҳам икки турга бўлинади:

1. **Оддий бўлаklar** якка сўз билан ҳам ифодаланади (қўшма, жуфт сўзлар билан ифодаланса ҳам оддий бўлак ҳисобланади): *дўстим келди, кўзойнак тақди, ота-онасини соғинди.*

2. **Мураккаб бўлаklar** турғун боғламалар (тўғри маъноли ва кўчма маъноли), эркин боғламалар билан ифодаланган бўлаklarдир: Онахоннинг оёқ олиши, (нима?) бизга ёқмади (турғун боғлама), уч оғайни (ким?) ширин суҳбат қуришяпти (эркин боғлама). Мустақил сўзларгина гап бўлаklари вазифасини бажаради. Ҳар бир гап бўлаги бошқа гап бўлаklари билан бўлган грамматик муносабатига кўра белгиланади, яъни ҳар бир гап бўлаги ўзи муносабатга киришган сўз билан синтактик алоқада бўлади. Масалан: *Шаҳрибону бугун*

синглиси учун рангли қалам сотиб олди. Ушбу гапда қуйидаги гап бўлаклари мавжуд:

Эга – Шаҳрибону: ким? Кесим – сотиб олди: нима қилди?

Ҳол – бугун: қачон? Аниқловчи – рангли: қанақа?

Тўлдирувчи – қалам(ни): нимани?

Гапдаги сўзлар эса қуйидагича синтактик алоқага киришган:

1) Шаҳрибону сотиб олди; 2) Қалам сотиб олди;

3) Рангли қалам сотиб олди; 4) Бугун сотиб олди;

5) Рангли қалам; 6) Синглиси учун олди.

Таълим босқичларида гап бўлаклари, уларнинг грамматик хусусиятларининг турли томонлари ўрганилади. “Ўқувчилар бошланғич синфларда гап нима ҳақида айтилганини билдирган сўзни (эгани) ва у ҳақда нима дейилганини билдирган сўзни (кесимни) топишга ўргатилади. Эга гапнинг ким ёки нима ҳақида айтилганини билдириб, ким?, кимлар?, нима?, нималар? сўроқларидан бирига жавоб бўлиши, кесим эга ҳақида нима дейилганини билдириб, нима қилди?, нима қиляпти?, нима қилмоқчи? каби сўроқларга жавоб бўлиши, эга билан кесим гапнинг бош бўлаги эканлиги, бош бўлақлардан бошқа бўлақлар гапнинг иккинчи даражали бўлаги бўлиши, иккинчи даражали бўлақлар бош бўлақларни ва бошқа иккинчи даражали бўлақларни изоҳлаб келиши билан таништирилади”¹⁴. Ўқувчиларнинг гап бўлаклари тўғрисида бошланғич синфларда ҳосил қилинган билимлари 5-синфдан бошлаб янада мустаҳкамланади ва кенгайтирилади. Энди назарий тушунчалар кўлами кенгаяди. 5-синфларга тегишли она тили дастурида гап бўлаклари “Синтаксис ва пунктуация” деган умумий бўлимда ўрганилади ва ундаги мавзуларни ўзлаштириш учун 46 соат ажратилган. Шунга кўра, 5-синф она тили дастурида гапнинг иккинчи даражали бўлақларини (ҳол, тўлдирувчи ва аниқловчиларнинг ифодаланиши, қандай сўроқларга жавоб бўлиши) ўрганиш хусусида керакли тавсиялар берилган.

¹⁴ М.Омилхонова. Мактабда она тили синтаксисини ўргатиш. Она тили ўқитувчилари учун қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи”, 1991, 20- б.

Демак, 5-синф ўқувчиси гап бўлаклари тўғрисида, бошланғичдан фарқли равишда, анчайин кенг маълумотга эга бўлиши лозим. Энди улар кесимнинг қандай грамматик бирлик эканлиги, эга ҳақидаги хабарни билдириб келиши, унинг сўроқлари ҳақида муайян тасаввур ва назарий тушунчага эга бўлганлари боис, кесимни гап маркази эканлиги, фақатгина кесимдан иборат гапларнинг ўзига хос хусусиятлари, феъл кесим ва от кесимларга ажралиши, эганинг грамматик хусусиятлари, содда ёйиқ ва содда йиғиқ гаплар тузиш, уларни иккинчи даражали бўлаklar билан бойитиш каби янада чуқурроқ билим ва малакаларни эгаллашлари лозим. Бу босқичда ўқувчиларнинг иккинчи даражали бўлаklar тўғрисидаги билимлари ҳам мустаҳкамланаиб, ривожлантирилади. Бу жараёнда ўқувчилар ҳол, тўлдирувчи ва аниқловчиларнинг грамматик хусусиятлари, гапда қандай сўроқларга жавоб бўлишини билишлари билан бир қаторда айна шу бўлаklarни қатнаштириб, гапларни кенгайтиришлари, муайян қолипли гаплар ҳосил қилишлари, ёйиқ гаплар тузишлари назарда тутилади. 5- синф ўқувчисига ҳол ва тўлдирувчининг грамматик тузилишини ўрганиш анчайин мураккаблик туғдиришини эътиборга олган она тили дастури муаллифлари фақатгина аниқловчилар тўғрисида батафсил маълумотлар беришни тавсия қилишган. Бу жараёнда ўқувчилар сифатловчи ва қаратқич аниқловчилар ҳақида ҳам муайян назарий тушунчаларни эгаллайдилар, уларнинг бир-биридан фарқини ажратадилар, аниқловчили бирикмалар тузиш бўйича амалий машқлар бажарадилар.

Она тили дастурида белгиланганидек, ўқувчилар 6-, 7-синфларда синтаксис бўлимига тегишли мавжуд билим ва кўникмаларини фақатгина такрорлаш дарсларидагина мустаҳкамлайдилар. Бу даврда улар она тилининг бошқа бўлимлари (лексикология, морфемика, морфология каби) ҳақида кенгрок маълумот ўзлаштирадилар, амалий машқлар бажарадилар. 8-, 9-синфларда эса, асосан, синтаксис бўлимини ўрганадилар. Умумий ўрта таълимда ўқувчилар гап бўлаклари таснифига тегишли мукамал маълумотни 8-синфда ўзлаштирадилар. 8- синф Она тили дастурида “Содда гап синтаксиси” (20 соат)

бўлимида гапнинг бош бўлаklarини ўрганиш режалаштирилган бўлса, гапнинг иккинчи даражали бўлаklarини алоҳида, 34 соат давомида батафсил ўзлаштириш назарда тутилган. Бу дастурда қуйидагича ифодаланган:

Иккинчи даражали бўлаklar (34 соат)

Ҳол ҳақида умумий маълумот. Пайт ҳоли ва ўрин ҳоли. Равиш ҳоли ва даража-миқдор ҳоли. Сабаб ҳоли ва мақсад ҳоли. Мураккаб ҳолли гаплар.

Тўлдирувчи ҳақида умумий маълумот. Воситасиз тўлдирувчи. Воситали тўлдирувчи. Аниқловчи ҳақида умумий маълумот. Сифатловчи аниқловчи. Қаратқичли аниқловчи. Изоҳловчи. Гап бўлаklари тартиби. Гап урғуси...

Ажратилган ҳол, ажратилган тўлдирувчи ва ажратилган аниқловчи, уларда оҳанг ва тиниш белгилари.

Бу жараёнда ўқувчилар гапнинг иккинчи даражали бўлаklари, уларнинг маъно ва грамматик тузилишига кўра турлари тўғрисида анчайин кенг назарий тушунчаларни эгаллайдилар, муайян амалий машқлар тизими орқали кўникмаларини ривожлантирадилар. Юқоридаги маълумотлардан кўринадик, гап бўлаklarини ўрганиш таълим босқичларининг ўзига хос хусусиятлари, ўқувчиларнинг ўзлаштириш қобилиятлари билан боғлиқ ҳолда тизимлаштирилади ва узвийлаштирилади.

Академик лицейларда гап бўлаklари учинчи босқичда ўрганилади. Бу босқичда, асосан, синтаксисни ўрганиш кўзда тутилган бўлиб, бунда талабаларнинг синтаксисга тегишли мавжуд билим ва кўникмалари мустаҳкамланади, ривожлантирилади, янги назарий тушунчалар билан бойитилади; талабаларга синтаксис бўлимининг барча кичик ва йирик бирликлари, уларнинг маъно ва грамматик тузилиши, турлари тўғрисида муфассал маълумотлар берилади; берилган назарий тушунчалар турли шакл ва мазмундаги амалий машқлар воситасида мустаҳкамланади.

Ўрта махсус таълим дастурида гап бўлаklarини ўрганиш “Нутқда гап бўлаklarининг ўрни” сарлавҳасида берилган бўлиб, ундаги мавзуларни ўзлаштиришга 16 соат ажратилган. Демак, гап бўлаklари синтаксиснинг ўзига хос муҳим ва йирик бўлими саналишини эътиборга олиб, бу бўлимда кириш ва

якунловчи машғулотларни ташкил қилиш мумкин. *Кириш машғулотида* гап бўлаклари тўғрисида умумий маълумотлар берилади. Талабаларнинг бу борада умумий таълимда олган билим ва кўникмалари мустаҳкамланади, ривожлантирилади. Кириш машғулотида гап бўлақларининг грамматик хусусиятлари, бош ва иккинчи даражали бўлақлар, содда йиғиқ ва содда ёйиқ гаплар ҳақида баҳс-мунозара уюштириш, бир бош бўлакли гапларни иккинчи даражали бўлақлар билан кенгайтиришга йўналтирилган топшириқлар устида ишлаш мумкин. Шунингдек, бу машғулотда дастурнинг амалий қисмида тавсия қилинган ушбу вазифаларни бажариш имкони ҳам кенг: *Театр ва кино таассуротлари асосида фикр юритиш Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Таваккал Қодиров каби қўшиқчиларининг ашулаларидан намуналар тинглаш*. Бу жараёни шундай ташкиллаштириш муҳим: ўқувчиларга театр ёки кино таассуротлари акс этган матн тузиш топширилади. Улар топшириқни бажаришаётганда эса, видео ёки аудио пластинкадан юқорида номлари келтирилган қўшиқчиларнинг айрим ашулалари тингланади. Бундай мазмундаги матнларни тузишда қўшиқ тинглаш ўқувчиларнинг ҳисларига ижобий таъсир қилади, уларнинг кино ёки театр кўргандаги илиқ таассуротларини уйғотади, тасаввурларини бойитади. Шунингдек, матнлар тузилгач, ўқувчиларга ҳар бир гап бўлагини ажратиб, қандай ифодаланганлигини аниқлашни топширса ҳам бўлади. Зеро, ўқувчилар ўз таассуротларини ифодалаганда гап бўлақларининг турли кўринишларини қўллашлари табиий. Бу топшириқни бажариш давомида ҳам яна бир гўзал қўшиқни тинглашлари мумкин. Матн тузишда ва ундаги гап бўлақларини ажратишда муайян қўшиқларни тинглаш топшириқларга ажратилган вақт чегарасини ҳам белгилаб беради. Машҳур қўшиқчиларнинг сермазмун ашулаларини тинглаш талабаларни мумтоз наволар билан яқиндан ошно қилади, миллий мусиқага муҳаббат ва эҳтиромини оширади, дарсга қизғин кайфият бахш этади. Гап бўлақларига тегишли биринчи мавзуни кириш машғулотини сифатида ташкил қилишнинг яна бир эътиборли томони шундаки, ўқувчилар гап бўлақларига тегишли навбатдаги ҳар бир мавзуда айна шу

кўтаринки кайфият, айти шу қизиқиш ва ҳаяжон билан ўтирадилар, бу мавзуларнинг ниҳоятда муҳим ва қизиқарли эканлигини ҳис қилиб турадилар.

Академик лицейларнинг учинчи босиқичига тегишли “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида гапнинг иккинчи даражали бўлаклари тўғрисидаги маълумотлар 12- дарсдан бошлаб берилади. Бунда, аввало тўлдирувчи ва унинг ифодаланиши ҳақида гап юритилади. Ҳозирги ўзбек адабий тили дастурида тўлдирувчининг қуйидаги жиҳатларини ўрганиш кўзда тутилган: *“Тўлдирувчилар услубиёти (Ватан учун//Ватан –чун // Ватанга жон фидо қилмоқ) Воситали тўлдирувчилар услубиёти (ишбилармонлар билан учрашмоқ// ишбилармонларга дуч келмоқ). Воситасиз тўлдирувчилар услубиёти (она диёрни васф этмоқ, юртини қўламоқ)”*. Ҳозирги ўзбек адабий тили дарслигида тўлдирувчини ўрганишга қаратилган дарс мақсади қуйидагича белгиланган: ўқувчиларнинг тўлдирувчи ҳақидаги умумий ўрта таълимда олган билимларини мустаҳкамлаш. Мавзу моҳиятини эса қуйидаги тартибда ёритиш режалаштирилган:

1. Тўлдирувчиларнинг ифодаланиши.
2. Мустақил ва номустақил тўлдирувчилар.
3. Келишликли ва қўмақчили тўлдирувчилар.

Бир қараганда дастур талаби ва дарсликда тавсия қилинган режалар мазмунида бир қадар номувофиқлик мавжуддек туюлади. Аммо дарсликка чуқурроқ эътибор қаратсангиз, воситали ва воситасиз тўлдирувчилар ҳақида ҳам маълумотлар, амалий машқлар учун топшириқлар берилганлигига гувоҳ бўласиз. Дарсликдаги режада тўлдирувчилар ҳақида анча кенгроқ маълумотлар бериш, ўқувчиларни тўлдирувчиларнинг яна бир ўзига хос томонлари билан таништириш кўзда тутилган. Чунки талабалар умумий ўрта таълимнинг 8-синфида воситали ва воситасиз тўлдирувчилар ҳақида муайян назарий тушунчаларни ўзлаштирганлар; улар учун бу тушунчалар бегона эмас. Аммо мустақил ва номустақил, келишликли ва қўмақчили тўлдирувчилар талабалар учун бир қадар янги тушунчалар ҳисобланади, бу ҳақда улар айти шу дарслардагина маълумот олиш имконига эгадирлар. Дарсликда тўлдирувчининг

грамматик хусусиятлари, турлари тўғрисида кенг назарий тушунчалар, сермазмун мисоллар, талабалар фаоллигини таъминлаш учун бир-биридан қизиқарли топшириқлар берилган. Шунга кўра, академик лицейда тўлдирувчиларни ўрганиш жараёнида мазкур режа асосида иш юритилса, ўқувчи-талабалар тўлдирувчи тўғрисида мукамал ва тўлиқ маълумотга эга бўладилар, бу эса ўз навбатида, она тили таълими самарадорлигига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Демак, дастлаб тўлдирувчининг ифода хусусиятлари тўғрисида фикр юритилади. Дарсликнинг тўлдирувчи мавзуси бошланган қисмида талабаларга тўлдирувчи ҳақидаги тасаввурларини эслатиш учун жуда яхши мисол берилганки, шу ўринда ушбу шеърини парчага муносабат билдириб ўтишни жоиз деб топдик:

Мен **ундан** (кимдан?) сўрадим: Меҳрингни қўйиб, бунчалар саралаб **гул** (нимани?) тердинг кимга? **Гулидан** (нимадан?) **кўзини** (нимани?) узмайин синглим. Аста жавоб берди: – **Ўқитувчимга** (кимга?)

Ўқувчилар ҳар бир қаторида турли шаклдаги тўлдирувчилар иштирок этган ушбу шеърдаги тўлдирувчиларни топиш билан бир қаторда, яна бир гўзал мазмунли шеър билан танишадилар, шеърини матндаги синтактик ҳодисани кузатадилар.

Академик лицей талабаларининг интеллектуал салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, янгиланган педагогик таълим тизимида амал қилган равишда тўлдирувчи мавзусини аъанавий таълимнинг самрадор кўринишларига таяниб, ноанъанавий шаклларда ўтиш мақсадга мувофиқ. Чунки ўқувчилар тўлдирувчи ва унинг грамматик хусусиятлари тўғрисида бир қадар маълумотга эга. Энди ана шу маълумотларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш лозим. Бунинг учун ўқувчиларни фаоллаштиришга асосланган таълим технологияларидан фойдаланиш самарадор аҳамиятга эга. Шулардан бири Б/Б/Б/ технологиясидир. Бунда ўқитувчи, дарс аввалида Б/Б/Б (биламан, билмоқчиман, билиб олдим) усулидан фойдаланиб, янги мавзуда талабалар ўзлаштириши лозим бўлган назарий тушунчаларни аниқлаштириб олиши зарур. Ўқитувчи Б/Б/Б усули

талабларини акс эттирган жадвалли карточкаларни талабаларга таркатади. Бу жараёнда талабалар тўлдирувчи ҳақида нималарни билишларини айтадилар, нималарни билмоқчиликларини белгилайдилар ва ўзлаштирган янги маълумотларини қайд этадилар:

Биламан	Билмоқчиман	Билиб олдим
Тўлдирувчи гапнинг иккинчи даражали бўлаги бўлиб, кимни? нимани? ким (билан, учун, орқали)? Нима (билан, учун, орқали)? сўроқларга жавоб бўлади.	Бирикмали тўлдирувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини	
Тўлдирувчилар от, олмош ва отлашган сўзлар билан ифодаланди	Воситали ва воситасиз тўлдирувчиларни	


Бу усулда, биринчи навбатда, талабаларнинг ўрганилаётган (тўлдирувчи) мавзуга тегишли билим ва кўникмаларининг мавжуд ҳолати аниқланади ва айни шу нуқтаи назарга ёндошиб навбатдаги вазифалар белгиланади. Энди ўқитувчи ўз ўқувчиларининг тўлдирувчи ҳақидаги умумий тушунча ва тасаввурларини аниқлади, улар яна нималарни ўзлаштиришга қизиқишаётганлиги ойдинлашди. Шунга кўра, ўқитувчи дастурга таянган ҳолда талабаларни қизиқтираётган муаммолар ечимини ҳал қилади. Машғулот жараёнида талабалар ўзлари учун зарур назарий тушунчаларни ўрганадилар ва жадвалнинг учинчи қисмини, яъни нималарни билиб олганликларни дарс охирида тўлдирадилар.

Ўқитувчи талабаларга мавзуга тегишли янги маълумотларни бериш жараёнида муаммоли вазиятлар яратиб, талабаларга турли саволлар билан

мурожаат қилиши, тўлдирувчиларнинг турли кўринишлари акс этган гаплар туздириши ҳам машғулотга қизғин кайфият бахш этади, ҳам талабалар фаоллигини тенг таъминлайди. Демак, талабаларни қизиқираётган муаммолар аниқланди, шунингдек, дастурда ҳам ўрганилиши лозим бўлган назарий тушунчалар, бажарилиши лозим бўлган амалий машғулотлар аниқ белгиланган. Шунга кўра, ўқитувчи қуйидаги саволлар орқали талабаларга мурожаат қилиб мавзу моҳиятини бирин-кетин ёритиб бораверади:

1. Тўлдирувчи қандай сўзлар билан ифодаланади?
2. *Китобни ўқидим, меваларни тердим, онамдан сўрадим, онам учун олдим* каби ҳолатлардаги тўлдирувчи ва кесим муносабатини изоҳланг.
3. Воситали ва воситасиз тўлдирувчилар фарқини аниқ мисоллар билан изоҳланг.
4. Бирикмали гап бўлаги нима?
5. Мустақил ва номустақил тўлдирувчига мисоллар келтиринг.
6. *Кинога бордим, укам билан кўришдим, телефон орқали гаплашдим, онамни соғиндим, отамдан сўрадим* каби бирликларда тўлдирувчилар кесим билан қандай воситалар орқали боғланган?

Бу каби саволларга талабалар имкониятлари доирасида жавоб берадилар ва ўқитувчи қолган ўринларни тўлдиради, назарий тушунчалар билан бойитади, талбаларга тўлдирувчининг грамматик хусусиятларини кенг тушунтириб беради. Навбатдаги босқичда эса дарсликда берилган машқлар тизими устида ишланади, айрим топшириқлар дарс жараёнида, баъзилари эса уйда бажарилади. Дарснинг охириги босқичда эса, янги мавзунини мустаҳкамлаш учун “кластер” технологиясидан фойдаланиш ижобий самара беради:



Ушбу тушунчаларнинг ҳар бирига тегишли мисоллар келтириш ҳам ўқувчилар хотирасини мустаҳкамлайди, тафаккурини кенгайтиради.

Тўлдирувчиларнинг ифодаланишини жадваллаштириб ўрганиш ҳам ижобий самара беради. Бунда талабалар муайян сўз туркумлари билан ифодаланган тўлдирувчилардан намуналар келтиришади. Мисоллар танлаш, гаплар тузишда ҳам уларнинг мантиқий мазмунига, дидактик аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айниқса, бадиий матнлардан олинган мисоллар ўқувчиларнинг назарий тушунчаларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, уларнинг бедий-эстетик дидини, дунёқарашини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади:

От билан ифодаланган тўлдирувчилар?	Олмош билан ифодаланган тўлдирувчилар?	Отлашган сўз билан ифодаланган тўлдирувчилар?
Мен Ватанни боғ деб айтсам, Сенсан унда битта гул.	Юртим, сенга шеър битдим бу кун.	Бу дунёнинг нокаслари бор, Эзгуликни кўролмайдилар.
Оразин ёпғоч қўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш.	Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас.	Яхшига қилсанг яхшилик ҳам айтади, ҳам қайтади, Ёмонга қилсанг яхшилик на айтади, на қайтади.

Бундай мисолларни насрий ва драмматик асарлардан танласа ҳам бўлади. Бу шаклдаги жадвалларни уйга топшириқ сифатида бериш, мисоллар учун айнан бир ижодкор асарларини ёки айнан бир тур, бир жанрдаги асарларни танлаш хилма-хилликни юзага келтиради. Турли шакл ва мазмундаги, турли ижодкорларнинг асарларидан танланган турли бадиий парчалар ўқувчиларни янги маълумотлар билан таништиради, уларни изланувчанликка, баҳс-мунозарага чорлайди.

Талабалар тўлдирувчининг ўзига хос грамматик хусусиятлари билан чуқур танишиб бўлгач, ўтилган мавзунини мустахкамлашга йўналтирилган қуйидаги жадвални тўлдиришни топшириш мумкин:

Тўлдирувчи	Назарий маълумот	Мисол:
Мустақил	Тўғридан тўғри кесимга боғланиб келган тўлдирувчилар мустақил тўлдирувчилар ҳисобланади.	Китобни ўқидим, онамни соғиндим
Номустақил		
Бирикмали		
Воситали		
Воситасиз		
Келишликли		
Кўмакчили		

Ушбу жадвалда ҳам назарий тушунчаларни ёритиш, ҳам турли мазмундаги мисоллар келтириш талабларнинг мавзунини ўзлаштирганлик ҳолатини кўрсатади ва бир дарснинг ўзидаёқ барча талабалани муносиб баҳолашга ёрдам беради.

Ҳар қандай мавзунини ўтишда ҳам дастур талабларига риоя қилиш, дарсликларда берилган топшириқларни етарли даражада бажаришга эришиш она тили таълими самарадорлигини оширади. Шу маънода, тўлдирувчи мавзуси ўтилганда ҳам дарсликлар билан ишлаш мақсадга мувофиқ. Чунки академик лицейлар учун яратилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслиги анча мукамал ишланган бўлиб, унда талабаларни ижодий фикрлашга, назарий билимларини мустахкамлаш, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга йўналтирувчи турли мазмундаги топшириқлар берилган. Жумладан, 12- дарсда акс этган тўлдирувчи мавзусига тегишли 76-машқда айтилган хусусиятлар яққол

акс этганлигини кўришимиз мумкин. Унда “Маънавий бойлик” сарлавҳали матн берилган бўлиб, талабалар ана шу матнни кўчириши ва ундаги тўлдирувчиларни топиб, нима билан ифодаланганини аниқлаши, турларини ажратиши лозим. Матн ўзига хос ҳажмга эга бўлса ҳам, уни талабалар кўчиришганда ҳам матн мазмунини билан чуқурроқ танишадилар, унинг моҳиятини ўз тафаккурларида мушоҳада қиладилар, ҳам хуснихат санъатига риоя қиладилар, ҳам тўлдирувчи турларини фарқлаш кўникмаларини ривожлантирадилар. Натижада, талабаларнинг ҳам назарий тушунчалари, ҳам маънавий оламлари бойиб, юксалиб боради.

Хуллас, тўлдирувчи мавзусини ўтишда турли дарс шакллари, типларидан фойдаланиш, турли таълим технологияларини қўллаш имкониятлари ниҳоятда кенг. Буларнинг қай бирини қўллаш, дарсни қандай ташкил қилиш она тили ўқитувчисининг педагогик маҳорати, билим ва тафаккурига боғлиқ. Ҳар қандай вазиятда ҳам, ДТС, ўқув дастури талабларига таянган ҳолда иш юритиш, дарсликка мурожаат қилиш дастлабки ўринда туриши лозим. Мавзу моҳияти, талабаларнинг интеллектуал салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда эса, дарс жараёнида ноанъанавий таълимнинг турли технологияларини қўллаш мумкин.

2.2. Ҳолни замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб ўрганиш

Гапнинг иккинчи даражали бўлакларидан навбатдагиси ҳол ҳисобланади. Академик лицей ўқувчиси ҳол ҳаракатнинг қандай бажарилишини, бажарилиш ўрнини, пайтини билдириб, қаерга? қаерда? Қаердан? Қачон? қандай? сўроқларига жавоб бўлишини яхши билади. Шунингдек, талабалар «Эга+ҳол+кесим» қолипли гаплар тузиш, берилган сўроқларга жавоб бўладиган сўзлар танлаб, ёйиқ гаплар ҳосил қилиш малакасига, ҳол ҳақида умумий маълумотга эга. Ўз навбатида, ҳолнинг маъно ифодасига кўра турларини ҳам ажрата оладилар: пайт ҳоли, ўрин ҳоли, равиш ҳоли, даражамикдор ҳоли, сабаб ҳоли ва мақсад ҳолининг ўзига хос томонларини фарқлай оладилар. Бу босқичда талабалар ҳолнинг тузилишига кўра турлари (содда ва

мураккаб) ҳақида ҳам муайян тасаввур, тушунчаларга эга. Шунга кўра, академик лицей таълимида талабаларга ҳолнинг услубий хусусиятлари тўғрисида маълумотлар берилади. Бу мавзу 13-дарсада ўтилади. Дарснинг мақсади: Талабаларнинг ҳол ва унинг маъно турлари юзасидан умумий ўрта таълимда олган билимларини мустаҳкамлашдан иборат бўлиб, уни қуйидаги тартибда ўтиш режалаштирилган:

1. Ҳол ҳақида умумий маълумот.
2. Ҳолнинг маъно турлари.

Дарсликда ҳол мавзусига тегишли биринчи топшириқ қуйидагича: Нуқталар ўрнига мос келувчи сўзларни қўйиб, кесимга боғланг.

Қачон? қаердан? Қаерга? қандай? келдим.

.....

Демак, ўқувчилар мазкур саволларга муносиб жавоб танлаб гап тузишлари лозим. Саволлар, ўз навбатида, ўқувчиларнинг топқирлиги ва зукколигини оширишга йўналтирилганлигини ҳам қайд этиш жоиз. Чунки саволларнинг ҳаммаси ҳол вазифасидаги сўзларни талаб қилади. Бу топшириқ учун қуйидаги жавоблар билан ўқитувчи талабалар фикрини кенгайтириши мумкин:

1. Кеча Бухородан Тошкентга шошиб келдим.
2. Ҳозир бозордан уйга пиёда келдим.

Иккинчи топшириқда эса “Ўқиди” сўзи талаб этган ҳаракат ўрнини, пайтини, тарзини (қандайлигини) билдуровчи сўзларни қўйиб кўчириш топширилган. Буни қуйидаги кўринишда тузиш мумкин:

- 1) ҳаракат ўрни: мактабда (уйда) ўқиди;
- 2) ҳаракат пайти: тонгда (оқшом тушганда) ўқиди;
- 3) ҳаракат тарзини: тез (секин, овоз чиқариб) ўқиди.

Бу ҳам ҳолнинг грамматик моҳиятини ёритишга қаратилган ўзига хос топшириқ бўлиб, талабаларнинг мавзуга тегишли умумий ўрта таълимда олган билимларини такрорлашга, уларнинг ҳол мавзусини қай даражада билишларини аниқлашга яқиндан ёрдам беради.

Ана шундай машқлар ишлангандан сўнг ҳол тўғрисидаги мукамал тавсифни бериш мақсадга мувофиқ. Демак, гапнинг кесимидан англашилган ҳаракатнинг белгисини билдирувчи гап бўлагига ҳол дейилади. Ҳоллар қандай? қандай қилиб? қай ҳолда (тарзда)? қачон? (-гача, -дан, -дан буён)? қаер (-да, -га, -дан)?, нима сабабдан? нима мақсадда? каби сўроқларга жавоб бўлади.

Ҳол доимо феъл кесимга боғланади. Масалан, *Қуёш кўкдан мўралаб қарар* гапида *қарар* сўзига *мўралаб* сўзи боғланиб, ундан англашилган ҳаракатнинг тарзини, *кўкдан* сўзи *қарар* сўзига боғланиб, унинг ўрнини билдиради. Баъзан ҳол от кесимларга ҳам боғланиши мумкин. Бундай вақтда ҳол от кесимдан англашилган предметнинг ўрнини билдиради. Масалан: *Андижонда ўт ёқсам, Ўшда тутуни.*

Ҳолнинг маъно турлари дарсликда жадвал шаклида тўлиқ берилган бўлиб, унда ҳолнинг ҳар бир турига тегишли грамматик хусусиятлар, сўроқлар ва мисоллар аниқ акс этган. Ўқитувчи талабаларга ҳолнинг маъно турларини шу жадвал асосида ўрганишни топшириши ҳам айтиш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда айтиш жоизки, ўқитувчи талабаларнинг ҳол мавзусига тегишли умумий ўрта таълимда олган билимларини эътиборга олган ҳолда мазкур жадвални тўлдиришни ўқувчиларга вазифа сифатида бериши ҳамда уларнинг жавобидан сўнг маълумотларни мукамаллаштириши ҳам ижобий самара беради. Ўқувчиларни мавзу атрофида чуқур мушоҳада юритишга, дастурий талабаларга риоя қилишга чорлайди. Жадвалнинг қуйидаги шаклини тавсия қилиш мумкин:

Ҳолнинг маъно турлари	изоҳи	сўроғи	шакллари	мисоллар
Равиш ҳоли	Феъл кесимдан англашилган ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини ифода қилади	Қандай? қандай қилиб? Қай ҳолда?	Равиш (тез, секин, охишта), -иб (шошиб), тақлид сўзлар (шилдираб)	Секин югурди, шошиб гапирди, дағ-дағ титрали.
Ўрин ҳоли...				
Сабаб ҳоли...				
Пайт ҳоли...				
Мақсад ҳоли...				

Жадвални биринчисига қараб давом эттириш мумкин. Мазкур жавдални ўқувчилар умумтаълим жараёнида олган билимларига таяниб ҳам тўлдира олишади. Чунки умумий ўрта таълимнинг 8-синф она тили дастурида ўқувчиларга ҳолнинг маъно турлари тўғрисида тўлиқ маълумот бериш режалаштирилган. Шунга кўра, уларга ҳол тўғрисида умумий маълумот берилган, унинг маъносига кўра турларини ажратиш ўргатилган. Жадвалнинг қолган қисмлари тўлдирилгач, ўқитувчи уни дарсликдаги маълумот билан қиёслаб, камчиликларини тузатади, керакли ўринларини тўлдиради, маълумотларни умумлаштириб, яхлит назарий хулосаларни шакллантиради.

Навбатдаги жараёнда ўқувчиларга ҳолнинг айрим пайтларда кесим вазифасида келмаган феълларга ҳам боғланиши тушунтириш муҳим. Чунки ҳоллар ҳам тўлдирувчи сингари ўзи боғланиб келган феълнинг кесим вазифасида келиши ёки келмаслигига кўра мустақил ва номустақил ҳолларга бўлиниши аниқ мисоллар ёрдамида тушунтирилади:

Тўғридан тўғри кесим вазифасидаги феълга тобе боғланиб келган ҳолларга мустақил ҳоллар дейилади: *баҳорда гуллайди, шошиб гапирди*.

Кесим вазифасида келмаган феълларга тобе боғланган ҳоллар номустақил ҳоллар саналади: *Театрдан чарчаб келган* Гулнора тезда овқатга уннади. *Баҳорда очилган* гуллар нафаси дилга ёқимли ҳузур бағишлайди.

Академик лицейда ҳол мавзусини ўтишда **“Кластер”, “Ақлий ҳужум”, кичик гуруҳларда ишлаш** каби турли туман таълим технологияларидан фойдаланиш мумкин. Маълумки, анъанавий дарс ўтиш моделида кўпроқ маъруза, савол – жавоб, амалий машқ каби методлардан фойдаланилади. Шу сабаб, бу ҳолларда анъанавий дарс самарадорлиги анча паст бўлиб, ўқувчилар таълим жараёнининг пассив иштирокчиларига айланиб қоладилар. Тадқиқотчилар фикрига кўра, анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга ўқувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган турли–туман методлар билан бойитиш ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келар экан.

Шунга кўра, ҳол мавзусини ўтишда, талабаларнинг мавзу юзасидан мавжуд билимлари аниқлангач, **ноанъанавий таълимнинг муаммоли усулидан**

фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунда ўқитувчи талабаларга мавзу юзасидан бир канча саволлар бериб, муаммоли вазит яратади. Масалан,

1. Ҳол қандай сўроқларга жавоб бўлади?
2. Ҳолнинг маъно турларини санаб беринг.
3. Равиш ҳолининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
4. Мустақил ва номустақил ҳолларга изоҳ беринг.
5. Содда ва бирикмали ҳолларни мисоллар ёрдамида фарқланг.

Мазкур саволларга жавоб бериш жараёнида муаммоли вазият ҳам ўз ечимини топа боради.

Шунингдек, ҳол мавзусини ўрганиш жараёнида талабларни матн тузишга йўналтирилган топшириқлар устида ишлашга чорлаш лозим. Бунда **кичик гуруҳларда ишлаш усули**дан фойдаланиш янада ижобийлик касб этади. Талабалар 4 ёки 5 гуруҳга бўлинишади. Ҳар бир гуруҳ учун алоҳида матн тузиш топширилади. Матнлар турли мавзуларда бўлиши мумкин: *Ватан, ота-она, фарзандлик бурчи, юрт соғинчи, анъанавий қадриятлар, муқаддас урф-одатлар* каби. Гуруҳ аъзолари матн тузиб бўлишгач, уларнинг матни бошқа гуруҳ аъзолари тузган матнлар билан алмаштирилади. Сўнгра талабалар тузилган матндаги гапларда иштирок этган ҳолларни аниқлайдилар, уларнинг маъно муносабатига, тузилиши кўра турларини ажратадилар. Гуруҳ аъзоларидан бири туриб бажарилган топшириқни тақдим қилади. Ҳол мавзусини таълим технологиялари асосида, хусусан, гуруҳларга бўлиб ўрганиш жараёнида талабаларнинг фаоллиги тенг таъминланади, машғулот қизғин тусга киради, талабалар мустақил иш юритадилар

Ҳолнинг маъно турлари ниҳоятда қизғин баҳс-мунозарага бой бўлгани боис ўқитувчи уни тармоқлашга асосланган “кластер” методи орқали кенгрок тушунтириб бериши мақсадга мувофиқ. Бунда талабалар билан биргаликда ҳолнинг маъно турлари, сўроқлари аниқланиб, керакли ўринлар тўлдириб борилади:



Академик лицейларнинг Ҳозирги ўзбек адабий тили дарслигида, асосан, пайт, ўрин, равиш, даража-миқдор, сабаб ва мақсад ҳоллари, уларнинг грамматик хусусиятлари тўғрисида маълумот берилган. Аммо баъзи қўлланмаларда ҳолнинг шарт ҳоли, тўсиқсизлик ҳоли, қурол-восита ҳоли каби кўринишлари ҳам ажратилган. Шунга кўра, ўқитувчи ҳолнинг маъно турлари юзасидан талабаларнинг умумий таълимда олган билимларини такрорлаш орқали мустаҳкамлаб, уларга ҳолнинг бу уч тури тўғрисида ҳам маълумот бериб ўтиши, муайян машқлар устида ишлатиши мумкин.

Академик лицейнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида ҳол мавзусини ўрганишга ажратилган топшириқлар тизимида 94-машқ алоҳида эътиборга молик. Унда истеъдодли шоир Бобур қаламига мансуб “*Менинг кўнглумки, гулнинг гунчасидек таҳ-батаҳ қондур*” мисралари билан бошланувчи ғазал берилган бўлиб, талабаларга ушбу ғазални ифодали ўқиш ҳамда ундаги гап бўлақларини аниқлаб, остига чизиш вазифаси берилган.

Мавзуларни ўзлаштириш жараёнида мумтоз адабий матнларга мурожаат қилиш, ўз навбатида, фанлараро алоқадорликнинг бир кўриниши бўлиб, ўқувчиларнинг бадиий-эстетик дидини юксалтиришга, асарнинг лингвопоэтик таҳлили тўғрисидаги билим ва малакаларини ривожлантиришга муносиб ҳисса

кўшади. Ғазал байтларидаги гап бўлакларини аниқлаш жараёнида талабалар бадий матнлардаги поэтик синтаксис ҳодисасининг ўзига хос кўринишини кузатадилар. Ушбу ғазалда бош бўлақлар (эга ва кесим)нинг, тўлдирувчи, ҳол ва аниқловчиларнинг турли кўринишлари (содда ва мураккаб, бирикмали, феъл кесим ва от кесим; от, олмош, отлашган сўзлар билан ифодаланган тўлдирувчилар, аниқловчилар; тақлид сўзлар билан ифодаланган ҳоллар, ҳолнинг маъно турлари, қаратқичли ва сифатловчи аниқловчилар) поэтик планда ўзига хос синтактик бўй кўрсатган.

Масалан, биринчи мисрада: *менинг кўнглим* бирикмасидаги қаратқичли аниқловчи *мен* олмоши билан ифодаланган; *гулнинг гунчасидек* бирикмаси эса қандай? сўроғига жавоб бўлиб, ўхшатиш-қиёслаш ҳолини юзага келтирган. *Гулнинг гунчаси* аслида қаратқич-қаралмиш муносабати билан шаклланган мослашувли бирикма бўлиб, *гулнинг* қаратқичли аниқловчи ҳисобланади, бу бирикмага ўхшатиш-қиёслаш маъносини берувчи –дек (-дай) қўшимчаси қўшилиб, тарз, ҳолат маъносини билдирувчи мураккаб ҳолга айланган; *таҳ-батаҳ қондур* – *таҳ-батаҳ* ҳол (вазият, ҳолат) бўлиб, тақлид сўз билан ифодаланган, феъл кесимга эмас, кесим вазифасини бажарувчи от кесимга (қон – нима? от, -дур (-дир: қондир) боғлама) боғланиб келган.

Демак, бу ғазалдаги гап бўлакларини аниқлаб, остига чизиб қўйишдан ташқари, уларнинг ўзига хос грамматик хусусиятларини ҳам, маъно турларини ҳам ажратиб ўрганиш ҳам мумкин. Бундай таҳлиллар орқали ўқувчиларнинг гап бўлаклари тўғрисидаги билим ва малакалари мустаҳкамаланади, ривожлантирилади, ўз навбатида поэтик синтаксиснинг мумтоз кўринишлари тўғрисидаги тасаввурлари бойийди, бадий-эстетик дидлари камолга етади. Мазкур ғазалдаги гап бўлаклари таҳлилида ҳар бир гап бўлагини алоҳида таснифловчи турли жадваллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

	Содда	Мураккаб	Феъл кесим	От кесим	Мустақил	Номустақил
Кесим	Қондур, имкондур,	Орзу қилсам,	Ўлдум	Пайкондур	Қондур, имкондур	Орзу қилсам, баҳор ўлса
	От билан	Олмош	Ҳаракат	Сифат	Равиш	Кенгайган

Эга (ифодаланиш хусусиятлари)		билан	номи билан	билан	билан	бирирма билан
Тўлдирувчи	Содда ёки мураккаб (ифодала- ниши)	Келишикли ёки кўмак- чили	Воситали	Воситасиз	Мустақил	Номустақил
Ҳол	Содда ёки мураккаб (ифодала- ниши)	Пайт холи	Ўрин холи	Равиш холи	Даража- микдор холи	Сабаб ёки мақсад холи
Аниқловчи (ифодаланиш хусусиятлари)	Сифат билан	Сон билан	Олмош билан	От билан	сифатловчи	қаратқичли

Бу жадвалдаги гап бўлакларидан бирини ўқитувчининг ўзи ишлаб кўрсатиб, уйга вазифа сифатида топшириши яхши натижа беради. Бунда ҳам вақт чегарасига дахл қилинмайди, ҳам барча талабанинг фаоллиги таъминланади, тўлиқ баҳолаш имконияти юзага келади. Академик лицейда ҳол мавзусини ўтиш жараёнида ўқитувчи ўз билим ва тажрибасига таянган ҳолда ноанъанавий дарслар ташкил этиб, замонавий таълим технологияларининг турли усулларида оқилона фойдаланса, дастурий талабларни тўла бажариш имкони кенгаяди ҳамда она тили таълими самарадорлиги ошади.

Академик лицейда аниқловчи мавзусини ўрағнишда ҳам турли инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш мумкин. Дастурда аниқловчиларни қуйидаги тартибда ўрганиш кўзда тутилган:

Аниқловчилар услубиёти. Сифатловчи аниқловчилар услубиёти (ўста// моҳир, ишбилармон// тадбиркор ходим). Қаратқичли аниқловчилар услубиёти (ўз укаси // ўзимнинг укам|| менинг укам)

Қаратқичли аниқловчиларнинг белгилли ва белгисиз қўлланилиши (юрт осойишталиги || юртнинг осойишталиги). Изоҳловчи аниқловчи.

Талабаларни гап бўлакларида ўринли фойдаланишга ўргатиш.

2.3. Аниқловчиларни ўрганишда самарадор таълим технологияларидан фойдаланиш усуллари

Академик лицейнинг 3-босқич талабалари учун мўлжалланган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида аниқловчи мавзуси 14-дарсда берилган бўлиб, унда аниқловчининг ўзига хос хусусиятлари ва сифатловчи аниқловчилар тўғрисида маълумот бериш кўзда тутилган, 15-дарсда эса қаратқич аниқловчилар ва изоҳловчи аниқловчиларнинг грамматик хусусиятлари ўрганилади. Шунга кўра, дарс мақсади қуйидагича белгиланган: Аниқловчи ва унинг гап тузилишидаги ўрни ҳақида талабада кўникма ҳосил қилиш. Айни шу мақсадни амалга оширишдаги вазифалар учун ҳам муайян режа тузилган бўлиб, уларда аниқловчи ҳақида фикр юритиш, аниқловчиларнинг маъно турларини ўрганиш кўзда тутилган.

Академик лицейда тўлдирувчи (12- дарс) ва ҳол (13- дарс) мавзуларини ўрганиш учун биргина дарс (2 соат) ажратилган бўлса, аниқловчи мавзуси учун иккита дарс (14-, 15- дарслар, 4 соат) ажратилган. Демак, академик лицейда аниқловчининг гапдаги ўрни, услубий хосликларини ўрганиш чун гапнинг бошқа иккинчи даражали бўлакларига нисбатан 2 соат кўпроқ вақт тавсия қилинган. 14-дарсда сифатловчи аниқловчилар ўрганилса, 15-дарсда қаратқич аниқловчи ва изоҳловчиларни батафсил ўрганиш назарда тутилган. Академик лицей талабаси учун бу тушунчалар у қадар бегона эмас. Улар умумий ўрта таълимнинг 8- синфида аниқловчи ва унинг турларини анча чуқур ўрганишган. Энди шу билимлардан кўникмалар ҳосил қилиш ва малакаларни ривожлантириш лозим.

Академик лицейда аниқловчи ва унинг ўзига хос грамматик хусусиятларини ўрганишга бағишланган мавзуларни турли ноанъанавий шаклдаги дарсларни ташкил этиш орқали янада самарадор усулларда ўтиш имконлари мавжуд. Хусусан, бу мавзуларда *семинар, баҳс-муҳокама, ўйин дарси, ижод дарси, суҳбат дарси, мусобақа дарси* каби ноанъанавий дарсларни ташкил этиш, таълимнинг илғор педагогик технологияларига мурожаат қилган

ҳолда педагогик фаолият юритиш она тили таълимининг муҳим мақсад ва вазифаларини ижобий ҳал қилишга замин ҳозирлайди.

Аниқловчилар мавзусини ўтиш жараёнида ҳам таълимнинг янги инновацион технологияларидан кенг фойдаланиш мумкин. Жумладан, “Зинама- зина ” технологиясини қўллаш ҳам ниҳоятда самарадор аҳамиятга эга бўлиб, бу технологияни мавзу бошланишида ҳам, якуний қисмда ҳам қўллаш мумкин. Ушбу технология қуйидагича:

Технологиянинг тавсифи. Ушбу машғулот ўқувчиларни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзу бўйича якка ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда хотирлаш, ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикрларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма, расм, чизма кўринишида ифодалай олишга ўргатади. Бу технология ўқувчилар билан бир гуруҳ ичида якка ҳолда ёки гуруҳларга ажратилган ҳолда ёзма равишда ўтказилади ва тақдимот қилинади.

Технологиянинг мақсади. Ўқувчиларни эркин, мустақил, мантиқий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб, улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга, жамоага ўз фикри билан таъсир эта олишга, уни маъқуллашга, шунингдек, мавзунинг таянч тушунчаларига изоҳ беришда эгаллаган билимларини қўллай олишга ўргатиш.

Технологиянинг қўлланилиши: якка тартибда ёки кичик гуруҳларда ўтказиш ҳамда назорат дарсларида қўлланилиши мумкин.

Машғулотда қўлланиладиган воситалар: А-3, А-4 форматли қоғозда тайёрланган чап томонга кичик мавзулар ёзилган тарқатма материаллар, фломастерлар.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

– Ўқитувчи ўқувчиларни мавзулар сонига (аниқловчи, сифатловчи, сифатланмиш, қаратқичли аниқловчи, изоҳловчи) қараб 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади.

– Ўқувчилар машғулоти мақсади ва унинг ўтказилиш тартиби билан таништирилади.

– Ҳар бир гуруҳга қоғознинг чап қисмида кичик мавзу ёзуви бўлган варақлар тарқатилади.

– Ўқитувчи гуруҳ аъзоларини тарқатма материалда ёзилган кичик мавзулар билан танишишларини ва шу мавзу асосида билганларини фломастер ёрдамида қоғоздаги бўш жойларига жамоа билан биргаликда фикрлашиб ёзиб чиқиш вазифасини беради ва вақт белгилайди.

– Гуруҳ аъзолари биргаликда тарқатма материалда берилган кичик мавзунинг ёзма кўринишида ифода этадилар. Бунда гуруҳ аъзолари кичик мавзу бўйича имкон борича тўлароқ маълумот беришлари керак бўлади.

– Тарқатма материаллар тўлдирилгач, гуруҳ аъзоларидан бир киши тақдимот қилади. Тақдимот вақтида гуруҳлар томонидан тайёрланган материал албатта синф доскасига мантиқан тагма-таг (зина) шаклида илинади.

– Ўқитувчи гуруҳлар томонидан тайёрланган материалларга изоҳ бериб, уларни баҳолайди ва машғулоти якунлайди.

Натижа: гуруҳларда ишлашга ўрганадилар, янги мавзунинг субъект-субъект муносабатлари орқали ўзлаштирадилар.

“Зинама-зина” технологиясининг янги мавзунинг тушунтиришдан аввал амалга оширса, ўқитувчи талабаларнинг ўрганилаётган мавзу атрофидаги билимлари даражасини аниқлаб олади ва уларга кўпроқ янги маълумотлар беришга ҳаракат қилади.

Маълумки, аниқловчи маълум бир гап бўлаги вазифасида келган предметни билдирувчи сўзларга боғланиб, унинг белгисини (ёки қарашлигини) англатади: *қизил олма, ақлли қиз, айтилган қўшиқ, менинг китобим, гул ифори.*

Аниқловчилар гап таркибида ҳар доим отга ёки отлашган сўзга боғлиқ бўлади: Майин шабада эсди (отга). Кичик яхшилик ҳам кишига таскин беради (отлашган сўз). Ўқитувчи талабаларга муайян саволлар бериб, уларнинг умумий таълимда олган билимларини мустаҳкамлаши мумкин:

1. Қайси гулларни севасиз?
2. Қандай рангларни ёқтирасиз?
3. Кимнинг асарларини қизиқиб ўқийсиз?

Бу саволларга берилган жавобларда аниқловчиларнинг турли кўринишларини қўллаш мумкин. Шунингдек, дарсликда берилган топшириқларни бажариш ҳам талабаларнинг аниқловчилар ҳақидаги билимларини бойитади:

1- топшириқ. *Оқ гул, чиройли гул, ёввойи гул* бирикмаларидаги сўзларнинг бир-бирига боғланиш ҳолатларини аниқланг.

2- топшириқ. Юқорида жавобингизда гул сўзига боғланиб келган сўзни аниқланг ва унинг қандай гап бўлаги эканлигини айтинг.

Талабалар ушбу бирикмалар ҳеч қандай воситалар (келишик ва кўмакчилар)сиз, оҳанг ёрдамида битишув йўли билан бирикканлигини айтадилар. Бу бирликларда гулнинг муайян белгилари ифодаланганлигини, белгини билдирган сўзлар сифат туркумига мансуб бўлганлиги боис, сифат билан ифодаланган аниқловчилар сифатловчи аниқловчилар деб юритилишини изоҳлайдилар.

Дарсликда талабаларнинг сифатловчи аниқловчилар тўғрисидаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган бир қанча амалий машқлар мавжуд. Шулардан 97- ва 98-машқлар алоҳида аҳамиятга эга. Чунончи 97-машқда талабаларга ёд олган шеърларидан эслаш ва улардаги сифатловчи аниқловчиларни ажратиш вазифаси топширилган. Демак, ҳар бир талаба ўзига ёққан, севиб ёдлаган турли мазмун ва турли жанрдаги бирор шеърини эслаб, дафтарига кўчириб ёзади. Ундаги сифатловчи аниқловчиларни аниқлаб, остига чизиб ажратади:

Вақт сенг қул бўлмас асло,


Ундан кутма мурувват, таъма.

Вақт ҳамиша *хушёр, жангари,*

Ёлвор уни вужудга қама. (Шавкат Раҳмон)

Бундай топшириқ, биринчидан Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларидаги фанлараро алоқадорликни юзага келтирса, иккинчидан, талабаларнинг бадиий идрокини тарбиялайди, бадиий матнни лингвистик таҳлил қилиш имконлари билан таништиради.

98-машқда эса Муҳаммад Камолнинг “Ўғлим Аҳмадга ўғитлар” номли асаридан парча берилган бўлиб, талабаларга мазкур асарни ўқиш ҳамда ундаги сифатловчи ва сифатланмишларни сўз бирикмаси тарзида кўчириб ёзиш вазифаси топширилган. Мазкур матнда инсонни маънавий ва жисмоний соғлом бўлишга ундовчи ибратли фикрлар берилган бўлиб, ўқувчиларнинг маънавий камолотига сезиларли таъсир кўрсатади. Талабалар матнни ўқиб, ундан эстетик завқ оладилар, шунингдек, гаплар таркибидан муҳим синтактик ҳодисалардан бири – сифатловчи ва сифатланмишларни бирикмали ҳолда ажратиб ёзиб оладилар. Бу машқни бажаришда қуйидагича таснифли схемадан фойдаланиш мумкин:



Академик лицейда қаратқич аниқловчилар ҳақида ҳам кенгроқ маълумот бериш, амалий машқлар бажариш назарда тутилади. Қаратқич билан қаралмиш орасида мослашув муносабатини таҳлил қилиш, изоҳловчиларнинг услубий хосликларини ўрганиш юзасидан муайян топшириқлар бажарилади. Бу борада талабалар дастлаб қуйидаги топшириқни бажаришлари маъқул: жадвалнинг бўш ўринларига берилган сўзлардан мувофиғини танлаб ёзинг.

Кимнинг? Ниманинг?	Нимаси?
Бувимнинг	меҳри
гулнинг	барги

Дарё, шовулла; Мирзачўл, шомол; олма, ранг; ойм, ўртоқ; китоб, варақ

Шунингдек, изоҳловчиларни ўрганиш жараёнида мусобақа тарзидаги турли ўйин технологияларини ҳам қўллаш мумкин. Бунда “Ўйла. Изла. Топ.” технологияси самарадор аҳамиятга эга. Талабаларга қуйидаги кўринишдаги карточкалар тарқатилади:

Ўйла. Изла. Топ. (Изоҳловчиларнинг шахс ва нарсаларнинг белгиларини тавсифлаб келишига кўра турларини аниқлаб биринчи катакка, ҳар бирига мисолларни иккинчи катакка жойлаштиринг.)	
Унвон, амал	Капитан Муқимов сўзлайди. Анжуманда директор Хўжаев қатнашди.
Машғулот, касб	Ошпаз Шукур, дурадгор Карим, гулчи Санобар
Ёш, жинс, қариндошлик	Кечкурун Насиба хола билан Хуршид амаки болалаларига қизиқарли эртақлар айтиб беришади.
Лақаб	Жалил совуқ , Жуман писмиқ ларнинг аскиясини эшитдик.
Тахаллус	Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек йирик насрий асарлар муаллифидир.
Нарса-буюм ўхшашлиги	Она – Ватан! Қизчалар – гунчалар.

Академик лицейда гапнинг иккинчи даражали бўлаклари ўрганилгач, талабаларда нутқда гап бўлақларининг ўрни ва аҳамияти, услубий хосликлари юзасидан ўзлаштирган маълумотлари мустақкамланади, кўникмалар ривожлантирилади. Йирик ҳажмдаги бундай мавзуларнинг охирги дарсини замонавий таълим технологияларига таянган ҳолда **яқунловчи машғулот ёки конференция дарсларини** ташкил қилиб яқунлаш ўзига хос мазмун-моҳиятга, педагогик мақсадга таянади. Бундай дарсларда педагогик муҳит ҳам, талабаларнинг қизиқиш ва интилишлари ҳам фаол тусга киради, таълим самарадорлиги ошади.

“Кейинги йилларда ташаббускор, изланувчан ўқитувчилар томонидан қўлланилаётган баҳс-мунозара, синов, матн яратиш, ёзма ишлар, назм, конференция, саёҳат, сценарийли дарс каби ноанъанавийлик жуда фойдали бўлиб, дарс жараёнида ўқувчи талабалар ҳам фаол иштирок этишга муваффақ бўлмоқдалар.

Конференция дарслари якуний машғулотнинг бир шакли бўлиб, бундай дарслар махсус тайёргарликни талаб қилади.

Конференция дарсларида ўқувчиларнинг мавзу юзасидан маърузалари тингланади, шоир ва ёзувчиларнинг асарларидан ёд олинади, драматик асарлардан парчалар сахналаштирилади, грампластинка ва магнит ленталаридан куй тингланади, адабий ўйинлардан ва техник воситалардан фойдаланилади.

Конференция тарзда ўтказиладиган дарсда ўқувчилар ўрганилган асарнинг тарбиявий аҳамиятини дастурдаги анъанавий дарслардан кўра чуқур англаб етадилар. Маърузаларни тайёрлаш жараёнида уларда қўшимча манбалардан фойдаланиш малака ва кўникмаси шаклланади”¹⁶.

Шунга кўра, академик лицейда гап бўлақларининг грамматик хусусиятлари 16 соат давомида ўрганиб бўлингач, охирги дарсни конференция тарзида ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда ўқитувчи талабаларга гапнинг иккинчи даражали бўлақлари билан боғлиқ мавзулар юзасидан маъруза тайёрлаб келишни топширади. Шунингдек, гапнинг иккинчи даражали бўлақлари фаол иштирок этган айрим ғазаллар, шеърлардан танлаб ёд олдиради ва дарс жараёнида мазкур шеърларни ифодали айттириб, улар матнидаги гап бўлақларини аниқлаш машқларини бажартиради. Дарсда интеграцияни таъминлаш учун эса айрим ғазалларнинг қўшиқ қилиб куйланган вариантидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай шаклда ташкил қилинган дарсларда ўқувчилар мустақил маъруза тайёрлаш жараёнида қўшимча илмий-бадний адабиётлардан фойдаланишади, синтактик таҳлил малакаларини ривожлантиришади, бир-бириларининг тайёрлаган маърузаларини тинглаб, ўз муносабатларини билдиришади, баҳс-мунозарага киришишади. Бу эса, ўз навбатида, ўрганилган мавзуларнинг мустаҳкамланишига, она тили дарсларининг қизиқарлилиқ даражасини оширишга муносиб ёрдам беради.

¹⁶ Б.Тўхлиев, М.Шамсиева, Т.Зиядова. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2010, 49-б.

III БОБ. БМИнинг амалиётга татбиқи

3.1. Таълим босқичларида гапнинг иккинчи даражали бўлаklarини ўрганишнинг мавжуд ҳолати

Янгиланган ДТС ва ўқув дастурининг эътиборли жиҳати шундаки, унда она тили фанидан ҳар бир синф ўқувчилари ўзлаштириши лозим бўлган назарий билим, кўникма ва малакалар алоҳида таснифланган. Шу маънода, синтаксис бўлими ҳам кенг очиб берилган.

Жумладан, **5-синфларга** тегишли она тили дастурида гап бўлаklarини “Синтаксис ва пунктуация” деган умумий бўлимда ўрганиш режалаштирилган ва ундаги мавзуларни ўзлаштириш учун **46 соат** ажратилган. 5- синфларда синтаксиснинг умумий мазмун моҳияти, сўз бирикмаси, гап, гапнинг ифода мақсадига кўра турлари; гапнинг бош (эга ва кесим) ва иккинчи даражали (тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол) бўлаklarини; содда (йиғиқ ва ёйиқ)гапларни ўрганиш кўзда тутилади. Ўқувчиларнинг бошланғич синфларда ўзлаштирган синтаксис бўлимига тегишли дастлабки маълумотлари мустаҳкамланади ва ривожлантирилади.

6-, 7-синфларда эса лексикология ва морфология бўлимларини ўзлаштиришга эътибор қаратилади. 7- синфда синтаксис бўлимидан фақатгина сўз бирикмалари, отли ва феълли бирикмаларни ўрганиш назарда тутилади. Бу босқичларда ўқувчиларга сўзнинг лексик ва грамматик маъноси борасида кенг маълумотлар берилади.

Ўқувчилар, асосан, **8-, 9-синфларда** синтаксис бўлимига тегишли назарий тушунчаларни мукамал ўрганишга йўналтирилган. Чунки бу бўлим тилшуносликнинг энг йирик ва ўз навбатида, анчайин мураккаб бўлими ҳисобланади. Она тили дастурининг **8-синфлар** учун мўлжалланган қисмида “Содда гап синтаксиси” (20 соат) бўлимида гапнинг бош бўлаklarини ўрганиш режалаштирилган бўлса, гапнинг иккинчи даражали бўлаklarини алоҳида, **34 соат** давомида батафсил ўзлаштириш назарда тутилган.

Касб-ҳунар коллежларида она тили фанига тегишли мавзулар орасида синтаксисни ўқитишга кенг эътибор қаратилган, шунинг учун мазкур фанга

ажратилган соатлар миқдори ҳам кўпроқ. Бироқ, бунда синтаксисни ўқитиш, асосан, гап қурилиши ва матн яратиш технологияси билан боғлиқ. Аммо бу таълим босқичида гап бўлакларини ўрганишга жиддий эътибор қаратилмаган ва муайян мавзулар белгилаб берилмаган.

Академик лицейда синтаксис тўғрисидаги назарий тушунчалар сўз бирикмаси ва унинг тузилиши, сўз бирикмасини ҳосил қилиш йўллари, мукамалроқ ўрганиш билан бошланиб, бу таълим босқичида ҳам содда ва қўшма гаплар, гап бўлаклари, бош ва иккинчи даражали бўлакларнинг грамматик хусусиятлари, уюшиқ ва ажратилган бўлаклар, қўшма гап синтаксиси тўғрисида ниҳоятда кенг маълумот бериш назарда тутилади.

Академик лицейларда гапнинг иккинчи даражали бўлакларини ўрганиш ўзига хос илмий-педагогик асосларга эга. Академик лицейда гап бўлаклари *учинчи босқичда* ўрганилади ва бунинг учун дастурда умумий ҳолатда **16 соат** ажратилган. Шулардан гапнинг иккинчи даражали бўлакларини ўрганиш учун 10 соат ажратилган: тўлдирувчи ва ҳол уч соатдан 6 соат, аниқловчи 4 соат ўқитилади. Бу дарсларни ноанъанавий шакллларда ташкил қилиш, дарс жараёнида илғор инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш ўқувчилар фаоллигини таъминлашга, билимини ва кўникмаларини ривожлантиришга, энг муҳими, она тили таълими самарадорлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшади.

Ўтказилган тажрибалардан маълум бўлдики, академик лицейларда ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигига асосланган, талабалар фаоллигини оширишга йўналтирилган турли шакл ва усулдаги таълим технологияларидан фойдаланиш она тили таълими самарадорлигини ошириш, ўқувчи-талабаларнинг билим ва тафаккурини юксалтиришда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этар экан.

Шунингдек, ҳар бир дарсни дастурий талаблар асосида ташкил қилиш, талабаларнинг назарий тушунчаларини мустаҳкамлашда дарсликда берилган амалий машқлар тизимидан ўринли фойдаланиш педагогик ютуқларни қўлга киритишда муҳим омил вазифасини бажаради.

Умумий хулоса ва тавсиялар

Таълим босқичларида она тили синтаксисини ўқитиш шу таълим тизмининг ўзига хос хусусиятлари, она тили фанини ўқитишнинг миқдорий кўрсаткичлари, таълимий мазмуни, шунингдек, ўқувчи-талабаларнинг ёш ва физиологик имкониятлари билан ҳамбарчас боғлиқ.

Умумий ўрта таълимда ўқувчилар синтаксис бўлимига тегишли назарий тушунчаларни босқичма-босқич ўзлаштириб борадилар; ўрта махсус таълимда, яъни академик лицейда эса бу маълумотлар янада мустаҳкамланади, бойитилади; касб-хунар коллежларида синтаксисни ўқитиш эса бевосита матн турлари, матн яратиш техникаси тўғрисида маълумотлар бериш, ўқувчиларнинг ўз фикрини аниқ ва тўғри ифодалай олиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришга йўналтирилади.

Таълимнинг қайси босқичидан қатъи назар, синтаксис бўлимини ўрганишга қанча вақт ажратилган бўлмасин, ўз касбининг моҳир устаси бўлган ҳар қандай масъулиятли она тили ўқитувчиси дарсларни дастурий талаблар асосида шакллантирса, янги замонавий педагогик технологиялардан маҳорат билан фойдалана олса, она тили таълимининг самарадорлигига муносиб ҳисса қўшади, ўқувчиларининг теран билимли, юксак маънавийли шахс сифатида камол топишларига эришади.

Аниқ фактик материаллардан кўзга ташланадики, академик лицейларда ҳозирги ўзбек адабий тилини ўқитишнинг илмий-методик асослари анча мукамал ишланган. Мазкур фанга тегишли ДТС ва шу асосда яратилган ўқув дастурлари, режалари, дарслик ва қўлланмалар ҳам ниҳоятда пухта ишланган бўлиб, буларнинг барчаси ўқувчи-талабалар билимини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, тафаккурини юксалтиришга, маънавий оламини бойитишга улкан ҳисса қўшади.

Ўз навбатида эса, Она тили фани ўқитувчисининг ҳам таълим мазмунини ташкил қилувчи бу меъёрий ҳужжатлардан, дарслик ва қўлланмалардан, дидактик материаллардан, шу билан бир қаторда, янги инновацион таълим

технологияларидан самарали фойдаланиши она тили таълимининг самарадорлигини таъминлаш кафолатидир.

Академик лицейларда синтаксис иккинчи босқичдан бошлаб ўқитилади. Биринчи босқичда талабалар ҳозирги ўзбек адабий тилининг фонетика, лексикология, луғатшуослик соҳалари бўйича муфассал маълумотлар оладилар, муайян назарий билим, кўникма ва малакаларини ривожлантирадилар. Синтаксис бўлимининг ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган назарий тушунчалари академик лицейларнинг Ҳозирги ўзбек адабий тили фани бўйича яратилган дастурида янада кенг ёритилган, уларнинг ҳар бирига алоҳида изоҳлар берилиб, муайян соатлар ажратилган.

Академик лицейларда гап бўлаклари учинчи босқичда ўрганилади. Бу босқичда, асосан, синтаксисни ўрганиш кўзда тутилган бўлиб, бунда талабаларнинг синтаксисга тегишли мавжуд билим ва кўникмалари мустаҳкамланади, ривожлантирилади, янги назарий тушунчалар билан бойитилади; талабаларга синтаксис бўлимининг барча кичик ва йирик бирликлари, уларнинг маъно ва грамматик тузилиши, турлари тўғрисида муфассал маълумотлар берилади; берилган назарий тушунчалар турли шакл ва мазмундаги амалий машқлар воситасида мустаҳкамланади.

Академик лицейда гапнинг иккинчи даражали бўлакларини ўрганишда замонавий таълим технологияларидан самарали фойдаланиш имкони ниҳоятда кенг. Таълимнинг бу босқичида талабалар Ҳозирги ўзбек адабий тилига алоҳида қизиқиш билан ёндашадилар. Чунки улар бу жараёнда олий таълим остонасига қадам қўйиш босқичида бўладилар.

Ўзлари танлаган мутахассислик бўйича олий таълим даргоҳларида ўқишларини давом эттириш имконига эга бўлган академик лицей талабалари қабул имтиҳонларига тайёргарлик босқичида турганлиги туфайли Ҳозирги ўзбек адабий тили фанига тегишли билимларни пухта эгаллаган бўлиши шарт. Айни хусусиятлар эса академик лицейдаги Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларини самарадор кўринишларда ташкил этиш долзарблигини кўрсатади.

Замонавий таълим технологиялари ана шу муҳим ва долзарб масалаларнинг ижобий ечимини ҳал қилишга муносиб ёрдам беради. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг қайси бўлими, қайси мавзуси бўлмасин, уларнинг деярли барчасида илғор педагогик технологияларнинг турли усулларидадан фойдаланиш имкони катта.

Педагогик масъулиятини тўла англаган, маҳсулдор ва сифатли дарслар ташкил этиш мақсадида фаолият юритаётган она тили ўқитувчиси бу усул ва имконларни ҳар дарсида қўллашга ҳаракат қилади.

Академик лицейда гапнинг иккинчи даражали бўлақларини ўрганишда, айниқса, кириш ва якунловчи машғулотлар, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Кластер”, “Ақлий ҳужум”, “Б/Б/Б”, “ФСМУ”, “Бешинчиси ортиқча” каби технологиялар ниҳоятда маҳсулдор аҳамиятга эга.

Ноанъанавий дарс шаклларида мавзу учун мувофиғини танлаб, хилма-хил тарқатма материаллар, жадвалли карточкалар, ўйин-мусобақага йўналтирилган технологиялар тайёрлаш ва кичик гуруҳларда ишлаш, ўқитувчи – талаба ҳамкорлигини юзага келтириш ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида барча талабанинг мазкур фанга қизиқишларини, машғулот жараёнидаги фаоллигини оширади, она тили таълими сифат кўрсаткичларини юқори поғонага кўтаради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий йўналишлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
2. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. T., Ma'naviyat. 2010.
3. Akademik litseylarning aniq fanlar yo'nalishidagi tarmoq ta'lim standarti va chuqurlashtirilgan fanlar o'quv dasturlari... Ona tili va adabiyoti /Mualliflar: A.Nurmonov, N.Mahmudov, A. Sobirov, N.Qosimova, Sh. Yusupova. – T.: O'qituvchi, 2005.
4. Ona tili va adabiyot. Akademik litsey va kasb- hunar kollejlari uchun o'quv dasturi. (Rafiyev A.R., G'ulomova N.)–T., 2010.
5. Uzviylashtirilgan Davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi. (5 – 9 sinflar), – T.: -2010
6. Бобокалонов Р, Неъматова Г. Она тили ўқитишнинг янги технологияси ҳақида. — Т.: 1998.
7. Зиёдова Т.У. «Ҳозирги ўзбек адабий тилини ўрганишда коммуникатив жадваллардан фойдаланиш». Ўқув-методик қўлланма. Академик лицейлар учун. – Т.: 2002.
8. Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Т: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012.
10. Маҳмудов Н., ва бошқ. «Она тили» 5-синф. – Т.: «Маънавият», 2011.
11. Маҳмудов Н., ва бошқ. «Она тили» 6-синф. – Т.: «Маънавият», 2011.
12. Маҳмудов Н., ва бошқ. «Она тили» 7-синф. – Т.: «Маънавият», 2011.
13. Маҳмудов Н., ва бошқ. «Она тили» 9-синф. – Т.: «Маънавият», 2011.
14. Маҳмудов Н., Тўхлиев Б. «Ўзбек тилини ўрганамиз» расмий луғат. – Т.: 1991.

15. Назарова С. «Ўзбек тили ўқитиш методикаси» (Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги талабалар учун қўлланма сифатида тавсия этган). «Ўқитувчи», 1992.
16. Нурмонов А., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Академик лицейларнинг иккинчи босқич талабалари учун дарслик. – Т.: Шарқ, 2005.
17. Нурмонов А., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Шарқ, 2002.
18. Омилхонова М. Мактабда содда гап синтаксисини ўргатиш.– Тошкент: Ўқитувчи, 1977.
19. Омилхонова М. Мактабда она тили синтаксисини ўрганиш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. 26.
20. Она тили ва адабиёт фанини ўқитиш самарадорлигини оширишнинг долзарб вазифалари. Республика илмий-услубий анжумани тезислари. Гулистон -2002.
21. Пўлатов А. Мактабда ҳолни ўрганиш. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. –Т: “Ўқитувчи”, 1978.
22. Рафиев А., Ғуломова Н. Она тили ва адабиёти (Касб-хунар коллежлари учун дарслик). – Т.: “Шарқ”, 2002.
23. Тўхлиев Б., Шамсиева М., Зиядова Т. Ўзбек тили ўқитиш методикаси. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. – Т.: 2010.
24. Қодиров М., ва бошқ. «Она тили» 8-синф. - Т.: «Маънавият», 2011.
25. Ғуломов А., Қодиров М., Она тили ўқитиш методикаси. “Университет” нашриёти.Т. 2001.
26. Hozirgi o‘zbek adabiy tili: Akademik litseylarning 3-bosqich talabalari uchun darslik /A.Nurmonov, N.Mahmudov, A.Sobirov, Sh.Yusupova. – Т.: Xalq merosi, 2003.

Elektron ta'lim resurslari

1. [www. tdpu. uz](http://www.tdpu.uz)
2. www. pedagog. uz
3. www. Ziyonet. uz
4. www. edu. uz
5. [tdpu-INTRANET. Ped](#)
6. www. nutq. intal. uz

Tayanch soʻzlarning oʻzbekcha-inglizcha lugʻati

Adabiy til	–	Literary language
Adabiy meʼyor	–	Literary norm
Amaliyot	–	practice
Aniqlovchi	–	definition
Aniqlanmish	–	Defined
Aniqlovchili birikma	–	Attributive combination of
Aniqlovchili munosabat	–	Attributive relation
Aniqlovchili tuzilma	–	Attributive construction
Badiiy matn	–	artistic text
Bayon	–	account
Bilim	–	know ledge
Bosh boʻlaklar	–	The principal terms of the proposal
Bosh gap	–	Main clause
Dastur	–	programme
Doston	–	poem
Gap	–	Proposal
Gapning grammatik (sintaktik) tuzilishi	–	Grammatical (syntactic) sentence structure communication of the sentence
Grammatik	–	grammatical
Gap boʻlaklarining tartibi	–	The order of the sentence
Gap boʻlaklari	–	The sentence
Ijobiy	–	positive
Ijod	–	creat
Ikkinchi darajali boʻlaklar	–	Secondary members offer
Hol	–	fact
Fikr	–	opinion
Payt holi	–	Circumstance of time
Kitob	–	book

Kitobxon	–	reader
Lirika	–	lyrics
Litsey	–	lyceum
Mavzu	–	theme
Ma’no	–	sence
Ma’naviy	–	spiritual
Ma’rifatparvarlik	–	patriotism
Metodika	–	method
Moslashuv	–	concord
Moslashuv aloqasi	–	Harmonization
Sabab holi	–	A circumstance causes
Sodda gap	–	A simple sentence – Prostoepredlojenie
Tayyorgarlik	–	preparation
Ta’lim	–	education
Tarz holi	–	Adverb of manner
Teng bog‘lanish	–	coordinating
Tilshunoslik	–	Linguistics
Tobe aloqa	–	Subordinate relationship
Tobe bog‘lanish	–	subordinating
To‘ldiruvchi	–	supplement
Texnologiya	–	technology
Xulosa	–	sammary
O‘quvchi	–	pupil
O‘qituvchi	–	teacher
Vositali ob’ekt	–	the object cosvenny
Vositali to‘ldiruvchi	–	Inderect
Vositasiz to‘ldiruvchi	–	direct object